VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

27 (36) 2009 йил 1 июль, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz

Миллий кутубхона

Шарқ табобатининг буюк намояндаси ибн Сино мамлакат подшоҳини табиблар тузата олмаган дарддан фориғ қилганида, унга қимматбаҳо совғалар туҳфа этилади. Шунда олим дуру жавоҳирлардан воз кечиб, сарой кутубхонасидан фойдаланиш учун рухсат сўрайди...

➔ 5-бет

Тадбиркорлар

Кейинги йилларда туман қишлоқларида шаҳардан ҳам қолишмайдиган бир-биридан шинам замонавий қиёфадаги иншоотлар, турар-жойлар, гўзал хиёбонлар, маҳалла гузарлари, коллеж, мактаблар, спорт мажмуалари бунёд этилди.

➔ 6-бет

Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун

Жаҳон миқёсида рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатлар иқтисодиёти, хусусан молия ва банк тизимига салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Лекин бундай нохуш аҳволнинг таъсири бизда ўз вақтида камайтирилгани таҳсинга лойиқ.

➔ 8-бет

МТ — БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 2-бет
- Парламент сайлови
- Давра суҳбати

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
- Юртбошимиз асари ўрганилмоқда
- Оромгоҳда байрам
- Болалар шаҳарчаси
- Маънавиятимизнинг гўзал қирралари

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
- Гербимиз — фахримиз
- Аудиторлик
- Меҳр кўзда

МАЪНАВИЯТ 5-бет
- Ўтмишсиз келажак йўқ

ИҚТИСОДИЁТ 6-бет
- Ватанпарвар ёшлар — миллат қаноти
- Балиқчилик ривож топмоқда
- Меҳнат ярмаркаси

ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
- Зилзила сирини очиш
- Дунёдан дараклар

НИГОҲ 8-бет
- Оромгоҳда қўғирчоқлар
- Турфа олам

КЎРИК-ТАНЛОВ

Хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш

мақсадида ташкил этилган республика кўрик-танлови якун топди

"Дунёда жамият ёки давлатнинг нуфузини, маданий даражасини белгилайдиган мезонлар кўп. Лекин, ҳар қандай жамиятда миллатнинг, халқнинг маънавий камолотини ўзида яққол намоён этадиган бир ўлчов, таъбир жоиз бўлса бир кўзгу бор. Бу — ана шу давлат, ана шу жамиятнинг аёлларга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳаётий манфаатларини таъминлашга бўлган муносабатидир"- дея эътироф этган эди Юртбошимиз Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

(Давоми 2-бетда)

2-ИЮЛЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Гербимиз — фахримиз

Герб. Келинг, аввало бу сўзнинг тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. "Герб" сўзи немисча "ҳербо" сўзидан олинган бўлиб, шоҳлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа наслдан-наслга мерос қолувчи мулк белгисини англатади. Бундан 2500 йил муқаддам улкан сарҳадда ҳукм сурган қадимги турк хони Ўғузхон даврида ҳам туркча "тамға" сўзи айни шу маънони билдирган.

Азизхон НОДИРОВ



Демак, жаҳонда тамғанинг давлат рамзларининг бирига айланиши ҳам, қайсидир томондан, бевосита қадим ўзбек давлатчилигига бориб тақалади.

Тарихчи олимларимизнинг Мирзо Улуғбекка асосланиб маълумот беришича, ҳозирги Ўзбекистонимиз тупроғида XIII-XIV асрларда ҳукм сурган давлатларда савдо карвонларидан олинадиган "тамға солиғи" бўлган. Ҳатто, ҳозирги "таможня" сўзи ҳам, аслида, айнан "тамға божи" бирикмасидан олинган.

Бу сўзни ДАВЛАТ тушунчасидан айри тасаввур қилиш қийин. Мустақилликни қўлга киритиб, гербига эга бўлган халқ, аввало, ўз тақдирини ўзи белгилайди. Герб-давлатимиз рамзларидан бири. Бу миллий тимсолда халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, шунингдек, тийнати, орзу-ўйи, маслак-мақсади мужассам. Зеро, Президентимиз айтганларидай, миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади.

(Давоми 4-бетда)

ФАОЛИЯТ

Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун

шиори "Агробанк" фаолиятида ўз тасдиғини топмоқда

"Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ".

Ислом КАРИМОВ

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи,
"Milliy tiklanish" мухбири

Жаҳон миқёсида рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатлар иқтисодиёти, хусусан молия ва банк тизимига салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Лекин бундай нохуш аҳволнинг таъсири бизда ўз вақтида камайтирилгани таҳсинга лойиқ. Шу боис бугун барча соҳаларда, жумладан иқтисодиётда Ўзбекистон танлаган йўл дунё жамоатчилиги томонидан очиқ эътироф этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси давлатимиз раҳбари белгилаб берган йўлнинг нақадар тўғри эканлигидан далолат беради.

(Давоми 8-бетда)

ИЗҲОР

Мустақилликнинг бебаҳо неъматлари

Азим дарахтларнинг илдизлари ҳам азим бўлади. Илму фанда тоғнинг ер устидаги қисми қанчалик юксак бўлса, ернинг остидаги "илдиз"и ҳам шунчалик даражада бўлишлиги исботланган. Худди шу каби миллатлару элатларнинг ҳам "илдиз"лари бор. Қайси миллатнинг "илдиз"лари-миллий қадриятлари, тарихи, миллий мероси ва маънавияти бой ва боқий бўлса, у ҳам собит, ҳам пойдордир...

Исмат ХУДОЁРОВ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 18 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорини ўқиб хаёлимиздан ана шундай ўйлар ўтди.

Кечагидек эсимда. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида хизмат сафари билан илк марта Бухорои шарифга йўлим тушди. Бухоро шаҳри ҳақида кўп эшитган ва кўп ўқиган эдим, лекин шу чоққача ҳеч йўлим тушмаган эди. Деярли ҳар бир кўчаси ва ҳар бир қадамида авлиёлар ётган Бухорои шарифни зиёрат қилиш ҳар қандай киши учун ҳаяжонли кечиши шубҳасиз. Дўстларимиз зиёратни "ҳафт пирон" — "етти пир"нинг сарҳалқаси бўлган Ҳазрати шайх Абдуҳолиқ Ғиждувонийдан бошлашимизни айтишди. Ғиждувонга — у кишининг зиёратига ошиқдик. Ўшанда қалбимизда ўзгача ҳаяжон зоҳир эди. Лекин шундай зотнинг ётган жойини афтода — ҳоллиги, ғариблигини кўриб ҳаяжон ўрнини афсус ва надомат эгаллаб олди.

(Давоми 4-бетда)

ALOQABANK — ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

КЎРИК-ТАНЛОВ

Хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш

мақсадида ташкил этилган республика кўрик-танлови якун топди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чунки, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, мавқеи, фаоллик даражаси, маънавий, тарихий қадриятларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга софлигича қолдиришдаги роли жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Ҳукуматимиз томонидан аёлларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қарорлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болалик оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари аёлларга ҳар томонлама муносиб шароит яратиб бериш йўлидаги олиб борилаётган ишларни ҳам қонуний ҳам амалий жиҳатдан янада кучайтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши, шунингдек, сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгилаб қўйилганлиги ҳам аёлларга бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир. "Давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон эса аёлларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги масалаларни ҳал қилишга, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини оширишга кенг жалб этиш учун имкониятларни очиб берди.

Мазкур жараёнларга муносиб ҳасса қўшиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш"демократик партияси ҳузурида "Аёллар қаноти" ҳаракати ташкил этилган эди. Сафи партия аъзоларининг 52,7 фоизини ташкил этадиган мазкур бўғин барча ҳудудий ташкилотларда фаолият юритиб, асосий мақсади жамиятнинг бош бўғини бўлмиш оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижросини таъминлаш, аёлларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда фидойи, юксак салоҳиятли, янгиликка интилувчан, ўз касбининг устаси бўлган хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги муҳим лавозимларни эгаллашлари учун шароитлар яратишдан иборат. Шу билан биргаликда хотин-қизлар ўртасидаги ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, аёлларни замонавий билим ва тафаккур талаб этадиган мутахассисликларни эгаллашлари йўлида рағбатлантириш, иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашнинг давлат ва нодавлат тизимларини ривожлантириш ҳам асосий вазифаларидан биридир.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан юртимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишлаб ташкил этилган, қарийб икки ой давомида партия туман, шаҳар, вилоят кенгашларида ҳудудий бошқичлари ўтказилган ҳамда хотин-қизлар орасида қанчадан-қанча истеъдодларни, етакчиларни аниқлашга хизмат қилган "Донолик ва ташаббускорлик- сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови юқоридаги мақсад ва вазифаларнинг амалдаги ифодаси дейиш мумкин. Куни кеча мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи ўз ниҳоясига етди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган "Донолик ва ташабускорлик – сиёсий етакчилик мезони" мавзусидаги кўрик-танловнинг республика босқичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзолари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари фаоллари, "Аёллар қаноти" етакчилари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳридаги давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Кўрик-танлов ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда юксак билим ва малакага эга бўлган оқила хотин-қизларнинг қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти тармоқларидаги фаолиятини, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, шунингдек мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда бу борада аҳоли ва партия аъзоларининг билимларини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Президентимиз томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига катта эътибор берилаяпти. Уларнинг сиёсий жараёнлардаги ролини кучайтириш мақсадида кўплаб қарорлар қабул қилинаётгани ҳам бунинг мисолидир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маънавий-маърифий тадбирлар, турли кўрик-танловлар, илмий-амалий конференциялар шулар жумласидандир. Хусусан, бугунги кўрик-танлов ҳам бу мақсадларимиз йўлидаги муҳим саъй-ҳаракатларимиздан биридир.

Шунингдек, партия раҳбари ўз сўзида бу каби кўрик-танловлар аёлларнинг ҳуқуқий-сиёсий онгини ошириш ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳамда партия аёллар бўғинида сиёсий етук аёллар сафини кенгайтиришга замин ҳозирлашини таъкидлади.

Дарҳақиқат, тадбир бошидан охиригача хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, уларнинг нафақат ижтимоий ҳаётда, балки сиёсий жараёнларда ҳам фаоллигини кучайтиришга хизмат қилди, десак янглишмаймиз.

— Бугун кўрик-танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан саралаб олинган қатнашчилар ўзаро ғолиблик учун баҳс олиб бордилар. Очиғи, туман, шаҳар, вилоят босқичи ғолибларини аниқлаш жараёни анча мураккаб кечди. Боиси хотин-қизларимиз нафақат оила илмида билимдон, шу билан биргаликда сиёсий, ҳуқуқий саводхонлиги юқори, жамиятда кечаётган ҳар бир жараёнга муносабати шаклланган. Биргина туман миқёсида ўнлаб ғолибликка даъвогар иштирокчилар беллашган бўлса, вилоят босқичида улар билим савияси етакчилик маҳоратига қараб сараланди. Уларнинг ҳам энг билимдон, зукко, фаолларигина айни дамгача етиб келди,- дейди ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи Ойниса Муҳаммадиева.



"Ўзини таништириш маҳорати", "Сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлик" ва "Агар мен депутат бўлсам" мавзуларидаги танлов шартларининг иштирокчилар томонидан моҳирона бажарилиши диққатга сазовордир. Масалан, танлов иккинчи шарти ғолибликка даъвогарларнинг сиёсий партиялар фаолияти, сайлов қонунчилиги, Омбудсман институти фаолияти ва бошқа кўплаб мавзулардаги билимларини синади. Айниқса "Агар мен депутат бўлсам" деб номланган синов партия сафида депутатликка муносиб номзодлар кўпчиликни ташкил этишини кўрсатди. Жумладан, тадбир ғолибаси Андижон Давлат университетининг Тарих факультети "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси мудири, сиёсий фанлар номзоди Манзура Юнусованинг "Сайлов олди дастури" диққатга сазовордир. Дастурда бандлик муаммоси ва унинг ижобий ечимига оид бир нечта чора-тадбирлар ўз аксини топган. Бунда энг замонавий технологияларга асосланган кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил қилиш; касаначиликни ривожлантириш; ички ва ташқи миграцияни тартибга солиш ва шу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали ҳудудда демографик муаммоларни ҳал қилиш каби масалаларнинг ўрин олгани эътиборга молик.

Иккинчи ўринга муносиб топилган Мухлиса Мустафоева эса чин маънода сўнгги шарт қаҳрамонига айланди. Самарқандлик ёш иштирокчининг ажойиб усулда, кўргазмалар орқали сайлов дастурини ёритиб бериши ҳакамларнинг ҳам назаридан четда қолмади. Натижада у синов бўйича энг кўп балл йиғишга эришди.

Тадбир нафақат сиёсий руҳда кечди, балки иштирокчилар ва меҳмонларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига ҳам хизмат қилди.Халқимизнинг севимли санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага хуш кайфият бахш этди.

Тадбир сўнгида ҳакамлар томонидан адолатли ва муносиб баҳоланган ғолиблар ҳамда барча иштирокчилар партиянинг қимматбаҳо совғалари, фахрий ёрлиқлари ва дипломлар билан тақдирландилар.

Тадбир ниҳоясида қатнашчилар фикрлари билан қизиқдик:

Манзура Юнусова, "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови республика босқичи ғолибаси, Андижон вилояти:

— Мазкур тадбирдан олган назарий билимларимни амалиётга татбиқ этиш имкониятига эга бўлганимдан жуда хурсандман. Яъни шартли равишда сайловчилар билан мулоқотлар уюштириб, қандай янги қонунлар қабул қилиш лозимлиги хусусида билим ҳосил қилганимизнинг ўзи катта ютуқ. Шуни инобатга олсак, ушбу танловдан сўнг кимнингдир мағлубияти ҳақида гапириш ноўрин.

Мухлиса Мустафоева, иккинчи ўрин соҳибаси, Самарқанд вилояти:

— Очиғини айтсам ниятим биринчи ўринни олиш эди. Албатта, тадбирдан сўнг янада кўпроқ билим ва тажриба тўплашга интилишим шубҳасиз. Энг муҳими тадбир янги иқтидорларни кашф қилганлиги, хотин-қизларимиз орасида сиёсатчи бўлишга муносиблари кўплигини ажойиб тарзда намойиш этиб бергани билан хотирамда муҳрланиб қолса керак. Дастуримга келсак, Самарқандда туризм, тадбиркорликни ривожлантириш, миллий урф-одатларимизга зид бўлган иллатларга қарши курашиш, бу борада ўқув-семинарлар ташкил этиш ва бошқа ташаббуслар билан чиқдим. Келгусидаги орзуим ҳам ушбу режаларимни келажакда депутат бўлиб, амалга ошириш, десам янглишмаган бўламан.

Шаҳноза Мамаризаева, кўрик-танлов иштирокчиси, Наманган вилояти:

— Менинг мазкур кўрик-танловга қатнашишимдан мақсадим сиёсий салоҳиятим, етакчилик қобилиятим қай даражада эканлигини синаб кўриш эди. Шу сабабли танловга тайёргарлик жараёнида жуда кўп изланишлар олиб бордим. Сиёсий партияларнинг фаолияти, мақсад ва вазифаларини янада чуқур ўргандим. Бу менинг соҳамда муҳим аҳамият касб этади. Боиси, Чортоқ тиббиёт коллежида ўқувчиларга ҳуқуқшунослик фанидан дарс берар эканман, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, жамиятда қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда сиёсий партияларнинг роли, ўрни ва бажарадиган вазифаларини теран тушунтириб бериш фаолиятимнинг бир бўлаги ҳисобланади. Шу ўринда айтишим керакки, бу йўналишда ҳали ўрганишим лозим бўлган билимлар жуда кўп ва улар яна изланишлар сари чорлайди.

Холида Тўрақулова, танлов қатнашчиси, Жиззах вилояти, Зафаробод туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари:

— Очиғини айтишим керак, танловда иштирок этиш вақтида билимларимдан қониқмадим. Ютуғимни эса сиёсий билимларимнинг бойигани, фуқаролик жамияти қуриш йўлида фаоллигим ошгани билан изоҳлайман. Белгиланган шартларга тайёргарлик давомида кўплаб сиёсий, ҳуқуқий адабиётлар, қонунлар яратилиши ва жамият ҳаётига татбиқ этилиши жараёнини чуқур ўргандим. Хусусан, "Агарда мен депутат бўлсам" лойиҳасига тайёргарлик кўришда ҳудуддаги аҳоли ҳаётига даҳлдор, уларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва ечиш борасида тажриба ва билим орттирдим. Партиямизнинг жамиятдаги нуфузи ва салоҳиятини янада ошириш, электорат ва хайрихоҳларимизнинг сони ортишига эришишда партия сафида бўлган биз каби аёллар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Танлов эса менинг бу йўлдаги изланиш ва мақсадларимни янада қатъийлаштирди.

Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА, Дилноза ҲАЙИТОВА, Акобир САЙИДОВ, "Milliy tiklanish" мухбирлари

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Парламент сайлови

конференция бу борадаги халқаро тажриба ва миллий амалиётга бағишланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳамда БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган "Парламент сайловлари: халқаро тажриба ва миллий амалиёт" мавзусидаги конференцияси бўлиб ўтди.

Йиғилиш Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва халқаро ҳуқуқ нормаларида эътироф этилган ҳуқуқий механизмларни миллий қонунчилигимизга сингдириш, демократик сайловларда аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари таъминланиши борасида халқаро миқёсда олиб борилган илмий ва амалий изланишлар ва миллий тажриба таҳлиллари муҳокамасига бағишланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар, жумладан мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Президентимиз томонидан юртимизда демократик принципларга асосланган сайлов тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилгани ва бунинг самараси ўлароқ бугунги кунда давлатимиз сайлов тизими халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва принципларига тўла мос келишини таъкидлашди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш Концепциясининг моҳияти ва уни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилиш иштирокчилари тингланган маърузалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини ва амалий таклифларини билдирдилар.

Сарвар ХУРРАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

ЙИЛ ДАСТУРИ АМАЛДА

ЎзМТДП Мирзачўл туман кенгаши томонидан "Қишлоқ ҳаётида экология ва саломатлик" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Жиззах вилоят кенгаши фаоллари, туман хотин-қизлар қўмитаси, ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, қишлоқ врачлик пункти ходимлари, МФЙ раислари иштирок этдилар.

Давра суҳбати

унда қишлоқ ҳаётида экология ва саломатлик масалалари ҳақида сўз борди

Тадбирни ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Камолов очиб, ўтказилаётган тадбирнинг моҳияти ва ундан кўзланган мақсад билан иштирокчиларни таништирар экан, жумладан шундай деди: — Мамлакатимиз мустақилликка эришганининг илк йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унда истиқомат қилувчи аҳоли қатламларининг яшаш шароитини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар қишлоқлар фаровонлигини ошириб, тараққиётини таъминлашга хизмат қилмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида қилинаётган ишларни бу ислоҳотларнинг бош мақсадларидан бири дейиш мумкин. Масалан, экология масаласини олиб қарасак, атроф-муҳитни тоза асраш, ариқларда оқаётган сувларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, мевали ва манзарали дарахтларнинг кўпайтиришни кенг йўлга қўйиш қишлоқлар ободлигини таъминлайди, кўпгина экологик муаммоларни бартараф этади ва ўз навбатида фуқароларимиз, хусусан фарзандларимиз қалбида ҳам табиатга меҳр ва асраб-авайлаш тушунчаларини кучайтиради.

Тадбирда шу билан биргаликда қишлоқ аҳолисининг саломатлиги масалаларига ҳам кенг эътибор қаратилди. Унда сўзга чиққан вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Нодира Алимова, ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Шапоат Мусаева, туман ФҲДЁ бўлими раиси Шоира Қиличева юртимизда хотин-қизларнинг саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилаётган ишлар амалда ўз натижасини бераётганини мисоллар воситасида тушунтириб ўтдилар. Хусусан, вилоят саломатлик маркази вакили Дилбар Жавлонова аёлларда учрайдиган айрим хасталиклар, жумладан, камқонлик касаллиги, келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталиб, унинг олдини олиш борасида вилоят миқёсида қилинаётган амалий ишлар ҳақида гапирди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да қишлоқ аҳолисининг тиббий ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришдан иборат бўлиб, қатнашчиларни ўйлантираётган ва қизиқтираётган саволларга батафсил жавобларнинг берилиши унинг таъсирчанлиги ва самарасини янада ошириди.

Х.ЯЛГАШЕВА, ЎзМТДП Мирзачўл тумани кенгаши аъзоси

ТАҲЛИЛ

Самарадорликни ошириш

асосий вазифа

Алишер РАҲМОНОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Маълумотларга кўра жорий йилнинг олти ойи давомида ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан талай ишлар амалга оширилди. Айниқса шаҳар, туман кенгашларида ташкилий-партиявий, мафкуравий, маънавий-маърифий, ёшлар билан ишлаш, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ишлар, чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Шу жумладан, Термиз шаҳар, Сариосиё, Ангор ва Бойсун туман партия кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар ва партияга оид ишларни қониқарли деб ҳисоблаш мумкин.

Вилоят миқёсида таҳлиллар шуни кўрсатадики, аъзолик бадалларини тўлаш борасида кўрсаткичлар Сариосиё ва Термиз туманларида 100 фоиз, Узун, Бандихон, Жарқўрғон туманларида 80-85 фоизни ташкил этади. Вилоятда ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам йўқ эмас. ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўйича раиси ўринбосари М.Абдуллаевнинг таъкидлашича амалга оширилган назорат ва таҳлилларга кўра Олтинсой, Шўрчи, Музработ туман партия кенгашларида аъзолик бадаллари, тадбирларнинг ўтказилиш савияси, ташкилий-партиявий ишлар талаб даражасида эмас. Шу боисдан ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган навбатдаги йиғилишида юқоридаги камчиликлар юзасидан интизомий чоралар кўрилган. Камчиликларни бартараф этиш учун бир ойлик муддат белгиланган.

ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитасида жорий йилнинг олти ойи давомида жами 250 га яқин учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилган.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" мавзусидаги республика кўрик-танлови ҳам вилоят миқёсида кўтаринки руҳда ўтди. Айниқса, Сариосиё туманидаги танловда иштирок этган иқтидорли қизлардан бири Дилдора Холиқованинг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритгани кўпчилик партиядошларда фахр ва ифтихор уйғотди.

Шу ўринда тобора яқинлашиб бораётган сайлов жараёнлари тўғрисида тўхталиб ўтмоқ жоиз. Чунки бу мамлакатимиз сиёсий партиялари олдидаги энг муҳим жараён ҳисобланади.

— Сайловлар модомики катта сиёсий воқеа экан, унга пухта ҳозирлик кўриш, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари иш фаолиятини янада такомиллаштириш асосий масалалардан бирига айланади. Таъкидлаш жоизки ҳамма бошланғич ташкилотлар ишини ҳам кўргилдагидек деб бўлмайди. Шунинг учун ҳозир асосий эътиборни мавжуд камчиликларни бартараф этишга, ишларимиз самарадорлигини оширишга қаратаяпмиз, - дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Абдуллаев.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Партия «Ёшлар қаноти» аъзолари янги ғояларни муҳокама қилишмоқда.

СЕМИНАР

Юртбошимиз асари ўрганилмоқда

Анорбой НОРҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш ҳамда Инқирозга қарши чоралар Дастури ижросини таъминлашга бағишланган тадбирлардан бири Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши томонидан вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси билан ҳамкорликда ўқув-семинар тарзида ўтказилди. Юртбошимиз асарида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда кенг жамоатчиликнинг ўрни масаласи муҳокама этилган тадбирда партия ва касаба уюшмалари фаоллари, мутахассислар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Солижон Қудратов сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари асарининг бугунги кундаги муҳим аҳамияти ҳақида маъруза қилди. Маърузачи томонидан молиявий инқироз жараёнининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатиш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётганлиги, жумладан янгидан-янги ишлаб чиқариш тармоқлари ишга туширилаётганлиги, модернизация қилинаётганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик соҳаларини ривожлантириш ишларига катта эътибор қаратилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Тадбир савол-жавоблар ва қизғин баҳс-мунозаралар асосида кечди.

Юртбошимиз асарини ўрганишга бағишланган тадбирлар партия фаоллари томонидан вилоятнинг Гулистон, Сирдарё, Мирзаобод, Боёвут туманларида ҳам ўтказилди.

АНЪАНА

Маънавиятимизнинг гўзал қирралари

ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши 1500 дан зиёд аъзоларга эга бўлиб, унинг таркибида 23 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Шаҳардаги Беруний номли 22-гимназия, Х.Носиров номли 16-ўрта умумтаълим мактаби, 1-оилавий табобатхона, “Сайилжойи” академик лицейидаги бошланғич партия ташкилотлари эса энг фаол ва самарали иш олиб бормоқда. Шунингдек, шаҳардаги мавжуд 33 та маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг 29 нафари ЎзМТДП аъзоларидир. Бу эса шаҳар кенгашининг аҳоли ўртасида маънавий-маърифий йўналишдаги тарғибот ишларини олиб боришида ёрдам бермоқда.

Яқинда шаҳардаги уй-жой қурилиш коллежида ЎзМТДП вилоят ва шаҳар кенгашлари томонидан “Аллаларда она қалби” мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ҳабиба Қурбонбоева миллий маънавиятимиз, унинг тарихий илдизлари, маданий меросимизнинг гўзал қирралари ҳақида гапирди. Шундан сўнг шаҳар маҳаллаларидан ташриф буюрган 22 нафар иштирокчи халқимиз томонидан айтилиб келинаётган қадимий аллаларни ижро этдилар.

Айниқса “Дўстлик” маҳалласи вакили, 82 ёшли Зеби она Ҳамидова ижросидаги алла барчанинг қалбидан чуқур жой олди. Шунингдек, тадбирнинг энг ёш иштирокчиси “Ёшлик” маҳалласи вакили Гулноза Одилова томонидан қадимий аллаларнинг маромида ижро этилиши ҳам миллий анъаналаримизнинг ёшлар томонидан чуқур қадрланаётганлигини намойиш этди. Тадбирда «Қалия» маҳалласи вакили Турсуной Ропиева, «Сайхон» маҳалласи вакили Улбозор Турсунова, «Кимёгар» маҳалласи вакили Муҳаббат Норбоева томонидан айтилган аллалар мазмун ва ижро нуқтаи-назаридан юқори баҳоланди. Моҳир алла ижрочилари ЎзМТДП вилоят ва шаҳар кенгашларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

— Маҳаллаларимизда миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришга қаратилган бундай тадбирлар кўплаб ўтказилмоқда. Бугунги тадбирда миллий маънавиятимизнинг қанчалик гўзал ахлоқ ва эзгулик билан йўғрилганлигини биргина ижро этилган аллалар орқали яна бир бора чуқур ҳис қилдик,- дейди ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ҳабиба Қурбонбоева. — Миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз, аждодларимиз томонидан ардоқланган урф-одатларимизни келгуси авлодга бекаму-кўст етказиш мақсадида маҳаллалар доирасида маънавий-маърифий тадбирларни изчил ўтказиш режалаштирилган.

Ў.БЕРДИБЕКОВ

ТАДБИР

Туманимиз ёшларининг таътилда мароқли дам олишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Шофиркон туман кенгашлари, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими ҳамкорлигида “Мингчинор” ёзги дам олиш оромгоҳида турли спорт ўйинлари ва кўнгил очар тадбирлар ташкил этилди. Унда туман маданият уйи ижодкорлари тайёрлаб келган концерт дастурларини болажонларга намойиш этдилар.

Оромгоҳда байрам

Тадбир сўнггида иқтидорли ҳамда фаол иштирок этган ўқувчиларга фахрий ёрлиқлар ва совғалар топширилди. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бу каби кўнгилочар тадбирларни мактаб олди оромгоҳларида, шунингдек, тумандаги барча маҳаллаларда ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Ш.ОБЛОЕВ,
“Ёшлар қаноти” раҳбари

МУРУВВАТ

Болалар шаҳарчаси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида юртимиз келажаги бўлган ёшларимиз манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсади ётади.

Бунинг амалий ифодасини яқинда Гулистон шаҳрида янги бир иншоот бунёд этилиб, унга “Болалар шаҳарчаси” деб ном берилганлигида ҳам кўриш мумкин. Ушбу шаҳарчадан 10 та уй ўрин олган бўлиб, уларнинг ҳар бирида 10 нафар тарбияланувчи ўз тарбиячилари билан бирга истиқомат қиладилар. Хонадонларда ҳақиқий оила муҳити шаклланади. Ушбу оилаларда тарбия топаётган болажонлар яхши билим олиш билан бирга ўзларининг бор иқтидор ва қобилиятларини намойиш этиб, келажакда ҳам жисмонан ҳам маънан комил инсон бўлиб вояга етадилар.

“Болалар шаҳарчаси”ни бунёд этишда прокуратура идораларининг хизмати катта бўлди. Шунингдек, вилоятнинг қўлигул бинокорлари уйларни мустаҳкам, кўркам қилиб, муддатидан олдин қуриб фойдаланишга топширдилар. “Болалар шаҳарчаси”ни ҳар томонлама таъминлаш мақсадида “Меҳржон” жамоат фонди таъсис этилди.

Шаҳарнинг 2-мавзесида ҳам янги бир иншоот қад ростлади. Шаҳар халқ таълимига қарашли 15- мактабгача таълим муассасаси қайта таъмирланиб, ихтисослашган мактабгача тарбия масканига айлантирилди. Бу ерда ҳаракат таянч аъзолари шикастланган хаста болажонлар тарбияланадилар. 130 ўринга мўлжалланган муассасада кичкинтойларнинг эмин-эркин, қувнаб-яйраб камол топишлари ва соғликларини мустаҳкамлашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уларга мутахассис тарбиячилар билан бирга малакали шифокорлар ҳам бириктирилган.

Янги иншоотларни фойдаланишга топшириш тантаналарида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши аъзолари, партиядан вилоят, шаҳар кенгашларига сайланган бир гуруҳ депутатлар иштирок этиб, бунёдкорлик ишларида жонбозлик кўрсатган қурувчиларга партиянинг қимматбаҳо совғаларини топширдилар.

А.НОРҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Тадбирлар

баҳс-мунозараларга бой бўлди

Сарвар ХУРРАМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЎзМТДП Бектемир туман кенгаши туман Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси вахалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментининг туман бўлимида ўтказган тадбирда Президент Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китоби атрофлича ўрганилиб, бу борада партия туман кенгашлари томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан туман Савдо департаменти раҳбари Ш.Музраббеков инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш чоралари таҳлил этилган Президентимиз асарининг мазмун-моҳиятини тушунтириб берар экан, ушбу китобнинг бугунги кундаги аҳамияти, ундаги ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий хулосалар, уни қўллаш механизмлари ва инқирозга қарши чораларни амалга оширишда тадбиркорлар олдида турган вазифаларга эътибор қаратди.

Шундан сўнг ЎзМТДП Бектемир туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Рўзитоев сўзга чиқиб, Инқирозга қарши чоралар Дастури юзасидан партиямиз томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, жумладан жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари изчил олиб борилаётганлиги, шу билан бирга ёшларни иш билан таъминлаш, касаначилик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётганлиги ҳақида маълумот берди.

Иштирокчиларнинг кун тартибидаги масала юзасидан берган саволлари тадбирни янада жонли ўтишига сабаб бўлди.

Йиғилиш сўнггида партияга аъзо бўлганларга гувоҳномалар топширилиб, бошланғич партия ташкилоти тузилди ва етакчи сайланди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши Янгийўл тумани Саноат касб-ҳунар коллежида ўтказган тадбирда ҳам Инқирозга қарши чоралар Дастури ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, коллеж талабалари ҳамда МФЙ вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Президентимиз китобидан келиб чиқиб ҳозиргача амалга оширилган кенг кўламдаги чора-тадбирлар юзасидан фикр билдирдилар. Шунингдек, асарда инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш йўллари чуқур ва атрофлича таҳлил этилганлиги ҳам таъкидланди.

Давра суҳбати очиқ мулоқот ва савол-жавоб тарзида ўтди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши ва вилоят педагогика институти ҳамкорлигида “Трансчегаравий дарёлар: халқаро чегара, реал вазият ва ўзаро ҳамкорлик” мавзусига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этишди.

Айтиш керакки, ҳозирги кунда экология масалалари, атроф- муҳит муҳофазаси бутун жаҳон, хусусан, юртимиз фуқаролари олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги муҳим геосиёсий вазифалардан бири бу — сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишдир. Бу ерда гап минтақа мамлакатларининг сув ресурслари ҳақида эмас, балки фақат трансчегаравий дарёлар ресурслари ва сув оқимларидан фойдаланиш, яъни ушбу дарёлар ҳавзасида жойлашган давлатларнинг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини асрлар давомида қондириб келган дарёлар ресурслари ҳақида бормоқда.

Мазкур масала бугунги кунда минтақадаги 6 давлатда яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг манфаатларига дахлдор. Шу боис, бу дарёлар оқимларидан фойдаланишга доир барча қарорларни қабул қилишда, жумладан, гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда ушбу манфаатлар албатта инобатга олиниши даркор. Акс ҳолда, бу Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмларида сув таъминоти масаласини янада мураккаблаштириши, қуриб бораётган Орол денгизининг экологик таназзулини тезлаштириши, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг 10 миллионлаб аҳолисининг бу ердаги ҳаётини оғирлаштириши мумкин. Йиғилишда маърузачилар ушбу жиҳатларга кенг эътибор қаратиб, муаммонинг минтақадаги экологик вазиятга кўрсатадиган салбий оқибатларини аниқ факт ва мисоллар орқали баён этдилар. Бу борада Ўзбекистоннинг нуқтаи-назари, яъни мамлакатимиз сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш тарафдори эканлиги, айни пайтда у янги гидроэнергетик иншоотлари қурилишида иштирок этиши ҳам мумкинлиги таъкидланди. Аммо, трансчегаравий дарёлар ҳавзаларидаги ҳар қандай кенг кўламли қурилиш сувдан фойдаланувчи давлатлар билан келишилган бўлиши керак. Бу фақат бизнинг давлатимиз талабигина бўлмай, у БМТнинг тегишли конвенцияларида белгиланган ҳалқаро ҳуқуқий меъёр эканлиги очиб берилди. Ушбу муҳим масала юзасидан Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилаётган мазкур ташаббус нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланаётганлиги – унинг қанчалик даражада асосланганлигини, узоқни кўзлаганлигини ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос эканлигини яна бир карра исботлаши қайд этилди.

Иштирокчиларнинг масалага доир берган саволлари тадбирни янада қизиқарли ўтишига сабаб бўлди.

* * *

ЎзМТДП Қоровулбозор туман кенгаши “Бутун дунё гиёҳвандликка қарши кураш куни” муносабати билан туман Саломатлик маркази, Ал-Бухорий МФЙ ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қарашли касаначилик тикув цехи ҳамкорлигида тадбир ўтказди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ал-Бухорий маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишлари маслаҳатчиси О.Раҳмонова “Гиёҳвандлик ва ёшлар” мавзусида маъруза қилди.

Шундан сўнг ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Г.Абдуқодирова сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

- Бойлик орттириш, мол-дунё тўплаш илинжида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган айрим ғаламис кимсалар жамиятни гиёҳвандлик деган мудҳиш жарлик сари етаклашга уринмоқдалар. Кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилган туман Саломатлик маркази раҳбари А.Ҳикматова гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар жиддий касалликларга дучор бўлиши, бу ўз навбатида кейинги авлодга ҳам салбий таъсир ўтказишини таъкидлаб, ёшларни маънан ва жисмонан баркамол қилиб улғайтириш ва бундай офатлар гирдобига тушиб қолишидан асраш учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни айтиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши ва вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида болалар оромгоҳларида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Китоб туманидаги “Ёш алангачи” ва Шаҳрисабз туманида жойлашган “Лочин” оромгоҳларида ташкил этилган учрашувлар, мусобақалар ҳар доимгидан қизиқарли ўтди.

460 нафар болага мўлжалланган “Ёш алангачи” оромгоҳида ўтказилган тадбирда республикамиздаги машҳур “Булбулча” болалар ансамбли ўзларининг шўх куй-қўшиқлари билан иштирок этишди.

Шунингдек, болажонлар ўртасида шахмат, шашка, волейбол бўйича спорт мусобақалари ташкил этилиб, унда ғолиб бўлганлар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Айни пайтда бу каби тадбирлар партия ташаббуси билан вилоятдаги бошқа оромгоҳларда ҳам ўтказиб келинмоқда.

* * *

ЎзМТДП Музработ туман кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тумандаги 53-мактабда “Гиёҳвандлик аср вабоси” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия фаоллари, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этишди.

Давра суҳбатида ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Рахмонов маъруза қилди. Жумладан гиёҳвандлик дунё халқлари орасида оммавий равишда ёйилиб, қанчаданқанча инсонларни ўз домига тортаётганлиги, шу билан бирга гиёҳвандлик сердаромад фойда манбаи ҳисобланиб, у билан шуғулланувчилар давлат чегаралари дахлсизлигини кўр-кўрона бузишга уринишаётганлари ва бу иллатга қарши курашишда партия олдида турган вазифалар тўғрисида гапирди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар томонидан мавзуга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

* * *

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда “Сайловлар-жамият демократлашувининг асосий босқичи сифатида” мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда сўзга чиққанлар “Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини ривожлантириш контекстида сайлов ва демократия”, “Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш демократик ислоҳотларнинг таркибий қисми” мавзуларида маъруза қилдилар.

Шунингдек, иштирокчилар кун тартибидаги масала юзасидан гуруҳларга бўлиниб, баҳс-мунозара олиб бордилар.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ИЗҲОР

Мустақилликнинг бебаҳо неъматлари

(Давоми. Боши 1-бетда)



Бухоролик биродарларимиз бу ерни "қизил"лар бир пайтлар омборхона ва ҳатто, от-улов боғланадиган карвонсарой қилишганини айтиб беришганди. "Етти пир"ларнинг бошқалари ётган жойлар ҳам бундан қолишмаслигини айтишди. Ўшанда бундай ҳолни кўриб жуда мутаассир бўлгандик, ич-ичимиздан афсус ва надомат чеккандик. Бу биз кўрган ва гувоҳ бўлган бир ҳолат эди, холос. Ўшанда собиқ совет Ўзбекистонидаги деярли барча зиёратгоҳлар, обидалар, осори-атиқаларнинг аҳволи ана шундай эди. Шу сатрларни ёзаяпману Президентимизнинг ўқиганимиз "**Юксак маънавият — енгилмас куч**" асаридаги **"дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобеъ қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади"**, деган гаплари ёдимга тушди.

Мустақилликнинг илк йилларида бизга яқин ўтмишдан ана шундай аянчли ва мудҳиш "мерос" қолганди. Юртбошимиз айтганидек, "бизнинг энг буюк бойлик"ларимиздан деярли маҳрум қилишаёзганди. Уларнинг ҳаммасини тиклаш керак эди, жой-жойига қўйиш лозим эди. Токи ана шундай "энг буюк бойлик"ларимиз тикланмас экан, миллий ўзлик, миллий ғурур ва ифтихор, аниқроқ айтганда келажагимиз ҳақида ўйлаш ва гапириш мушкул эди. Кўплаб минтақавий муаммолар, иқтисодий қийинчиликларга қарамай бизнинг "энг буюк бойлигимиз" бўлган миллий қадриятларимиз, тарихимиз ва маънавиятимизни ўз аслича тиклаш, юксакликка кўтариш, жаҳонга танитиш ва кўз-кўз қилиш сари изчиллик билан иш олиб борилди. Иш шу қадар кўп эдики, у ҳам вақт, ҳам куч-қувват, ҳам моддий маблағ талаб қиларди. Лекин аҳвол қанчалик қийин, вақт қанчалик тиғиз бўлмасин бу масала ўша давр кун тартибидан бир зум бўлсин четга чиқмади. Миллатнинг руҳини, қадди ва қадрини кўтаришга, Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда ҳаётмамот масаласи сифатида қаралди. Руҳи, қадди ва қадри тикланган миллатни енгиш мушкул. Миллий қадриятларимиз "илдиз"лари чўнг ва чуқур эди. Унга ўшанда эътибор керак эди, парвариш керак эди, шароит ва имконият керак эди. Мустақиллик унга ана шундай имкониятларни берди. Энди ундан фойдаланиш ва сақлаб қолиш лозим бўларди.

Одамлар онги ва тафаккурини ўзгартириш - энг мураккаб масала: қоринни бир амаллаб тўйғазиш мумкиндир, лекин онг ва тафаккурни ўзгартириш дарров ва осонликча бўлиб қоладиган ҳодиса эмасди. Токи одамларнинг онг ва тафаккури ўзгармас, янгиланмас экан, мустақиллик берган неъматлар ва имкониятларни англаш ва истифода қилиш мушкул кечарди. Ўшанда давр ва шароит ҳарчанд қийин ва мураккаб бўлмасин бу борада ортга чекинилмади, аксинча миллий қадриятларимиз, тарихимиз, маънавиятимиз босқичма-босқич тиклана бошлади. Бу борада амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўлами шунчалик кўп ва кенг эдики, уларнинг ҳеч биридан воз кечиб ёхуд уларнинг ҳеч бирини кечиктириб бўлмасди. Дарҳақиқат, нисбатан қисқа муддат ичида мисли кўрилмаган ишлар қилинди. Ҳамма нарса ўз номи ва аслича атала бошланди. Миллат ўзини, ўзлигини англай бошлади.

"Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, **ҳар бир халқ ёки миллатнинг маънавиятини ташкил этувчи тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларини мужассам этган маънавий мерос, маданий бойликлар ва кўҳна тарихий ёдгорликлар каби омиллари бўлади. Бу борада, айниқса, бизнинг миллатимизни жаҳон жамоатчилиги олдида юзи ёруғ эди. "Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани"** ва **"бу табаррук заминда не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятни узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларни, айниқса Ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб, камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс"** эди. Мамлакатимиз ҳудудида жойлашган 4 мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилди.

"Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимий тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади" дейилади «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида. Ўша даврда мамлакатимиз олдида қарийб унитилаёзган ана шундай улкан маънавий мерос, маданий бойлик ва кўҳна тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш, асл ҳолига келтириш, ўз номи билан аташ ва жаҳонга танитиш каби жуда ҳам мураккаб ва мушкул, лекин шарафли вазифа турарди. Шу боис ҳам мустақиллик йилларида Хоразм воҳаси ҳудудида бундан қарийб 3000 йил бурун яратилган, ота-боболаримизнинг узоқ йиллик ҳаёт тажрибаси, диний-ахлоқий, илмий, адабий қарашлари ифода этилган "Авесто" китоби "бебаҳо маънавий обида" сифатида мамлакатимизда кенг миқёсда тарғиб қилинди. Ёхуд халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлган, ўтган асрнинг 50 йилларида миллий меросимизни кўплаб намуналари каби миллатчилик руҳидаги асар сифатида қораланган "Алпомиш" достони нафақат Сурхондарё, балки бутун мамлакатимизда кенг тарғиб қилинди. Алпомишга Термиз шаҳрида муҳташам ёдгорлик ўрнатилди.

Халқимизнинг "энг азиз ва миллий байрами" бўлган Наврўз мустақиллик шарофати билан тикланди ва ҳар йили умумхалқ байрами сифатида нишонлана бошланди.

Айниқса, алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида муқаддас динимиз, кенг маънодаги диний эътиқодга солинган "кишан"лар буткул ечилди. Бутун дунёга машҳур, Ислом дини йўлида бемисил хизмат қилган Имом Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд каби кўплаб буюк сиймоларимизнинг номлари, у кишилар шарафига қурилган мақбараю мадраса ва масжидлар қайта тикланди, таваллуд кунлари кенг миқёсда нишонланди, асарлари чоп этилди.

Ислом конференцияси ташкилоти Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани замирида ҳам катта эътироф ва ҳақиқат бор эди.

Бебаҳо илмий ва ижодий кашфиётлари билан бутун жаҳон аҳлини ҳанузгача ҳайратга солаётган буюк аждодларимиз Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Муҳаммад Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб олимларимиз ҳамда "тенгсиз азму шижоат, мардлигу ва донишмандлик рамзи бўлган, буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирган, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига йўл очган" Соҳибқирон Амир Темур ва кўплаб тарихий шахслар сиймосига мустақиллик даврида иккинчи умр бағишланди. Кўплаб қадимий шаҳарларимизнинг тарихи қайта тикланди, кўп асрлик саналари кенг нишонланди. Мустақиллик туфайли буюк аждодларимизга ҳурмат-эҳтиром, эътибор, уларнинг инсониятга қолдирган улкан илмий меросига бўлган қизиқиш хорижий эл ва мамлакатларда ҳам тобора ортиб бормоқда. Бельгияда ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Баку шаҳарларида Алишер Навоийга, Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида эса Аҳмад Фарғоний хотирасига қўйилган муҳташам ёдгорликлар ҳам мустақилликнинг бебаҳо неъматларидир. Ёхуд кўп узоққа бормайлик, XX асрда чоризм мустамлакаси даврида "маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримиз" Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носирнинг муборак номлари ва хизматлари ҳам мустақиллик туфайли эътироф этила бошланди.

Мустақиллик даврида қайта тикланган, обод ва файзли масканга айлантирилган бундай номлар, маънавий мерос, маданий бойлик ва тарихий ёдгорликларни бугун битта мақолада бирма-бир санаш имконсиз. Буларнинг ҳаммасини ҳақли равишда мустақиллик неъматлари дейиш мумкин. Шу боис ҳам мустақиллик Президентимиз таъбири билан айтганда бугунги кунда биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи, қолаверса, халқимизнинг улкан тарихий ютуғига айланди.

2-ИЮЛЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Гербимиз – фахримиз

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби 1992 йил 2 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида тасдиқланган эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи йилидаёқ Давлат гербига эга бўлди. Тамғамиздаги ҳар бир чизиқ, ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъно бор. Айтайлик, ўнг томони чаноқлари очилган ғўза, чап томони буғдой шохларидан иборат чамбар ичра тоғлари, дарёлари бор гуллаган водий узра қуёш нур таратиб турибди. Юқорида эса мамлакатимиз ҳурлигининг рамзи сифатида саккиз бурчак, унинг ичида ярим Ой ва юлдузнинг акс эттирилиши биз учун аждодлардан мерос бўлиб келаётган рамзлардан бири. Гербнинг марказидаги қанотларини ёзган Хумо қуши бахт ва эрксеварлик рамзи ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг ўрнатиш тартиб-қоидалари белгиланган. Қонуннинг 8-моддасида: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, республикада турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади" дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелидаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонунининг айрим бандларига муайян ўзгартишлар киритилди. Жумладан, бундан буён Давлат гербидаги ярим ой ва юлдузлар оқ рангда тасвирланади.

Давлат герби – мамлакат фуқаролари учун муқаддас ҳисобланган белги. У юрагида Ватан туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий ҳис, ўзига хос ғурур, энг муҳими, юртга меҳр уйғотади. Ўзбекистон бир узук бўлса, Давлат герби гўё шу узукнинг кўзи.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Меҳр кўзда

Юртимизда кексалар ҳамиша ардоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар ҳам доимо қўллаб-қувватланиб келинган. Уларнинг оилавий аҳволи, яшаш шароити, саломатлиги доимий давлат эътиборида. Бу борада Тойлоқ туманида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ўтган йилда туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан 573 кишига ёшга доир, 173 кишига ногиронлик, 122 кишига боқувчисини йўқотганлиги учун нафақалар тайинланди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Шунингдек, 17 нафар ногиронга аравача, 13 нафар ногиронга ҳасса, 4 нафар ногиронга қўлтиқтаёқ, 1 нафар ногиронга кўзойнак олиб берилди. Шу билан бир қаторда 195 кишига соғликларини тиклаб олишлари учун мамлакатимизнинг турли сиҳатгоҳларига бепул йўлланмалар берилди. Бўлим ходимлари томонидан 46 нафар якка-ёлғизлар рўйхатга олиниб, шундан 17 нафари ҳар ой давлат томонидан бепул 9 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Туман ҳокимлиги ва прокуратураси ташаббуси билан Наврўз, Мустақиллик, Ҳайит байрамлари ҳамда Ногиронлар куни муносабати билан бир қатор тадбирлар уюштирилди. "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ва бошқа ҳомий корхоналар кўмагида байрам дастурхони ёзилди.

Ушбу тадбирларда туғма ногиронлар ва боқувчисини йўқотганлар ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларига кийим-кечаклар тарқатилди. - Ёрдамга муҳтож кишилар дардига малҳам бўлиш, меҳр улашишда ҳиммат кўп, - дейди туман ижтимоий таълимот бўлими мудири Акмал Ёқубов. — Ходимларимиз тумандаги якка-ёлғиз, ногирон кишиларнинг хонадонларига дори-дармон, озиқ-овқат етказиб бериш билан бирга, уй-рўзғор юмушларига ҳам қарашиб туришади. Чунки, улар меҳр-мурувват улашишни улуғ саодат деб билишади.

ЖАРАЁН

Аудиторлик

имтиёз ва имконият

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида"ги 365- сонли Қарорида ижобий аудиторлик хулосаси мавжудлиги хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан охирги текшириш ўтказилгандан кейин камида 24 ойдан олдин текширилмаслиги учун асос ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молия-хўжалик фаолияти солиқ органлари томонидан тегишли аудиторлик ташкилоти албатта жалб қилинган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавоб беради.

Юқорида қарор ижроси юзасидан аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун устав сармоясининг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдорида белгиланган. Бунда янгидан ташкил этиладиган аудиторлик ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида таъсис ҳужжатларида назарда тутилган устав сармоясини шакллантиришлари зарур.

Ушбу қарорга асосан ишлаб чиқилган "Аудиторлик хулосаларини солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида"ги Низомда аудитор ташкилотлари ҳар йил якунига кўра корхоналарда мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиш шартлиги белгилаб қўйилган. Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект олдинги йил учун ўз йиллик молиявий ҳисоботини ҳисобот йилининг 1 майигача аудиторлик текширувидан ўтказади ва аудиторлик текшируви тамом бўлгандан кейин 15 кун мобайнида тегишли солиқ органига аудиторлик хулосасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этади.

Мавжуд аудиторлик хулосаларини умумлаштириш натижалари бўйича йиғма ахборот солиқ органлари томонидан белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларни назорат органлари томонидан текширишнинг келгуси йилдаги режа-жадвалини тузиш учун назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига жорий йилнинг 1 октябригача тақдим этилади.

Аудиторлик ташкилотларини ташкил этиш ва улар томонидан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан мақсад корхоналарда текширув якунига кўра молия-хўжалик фаолиятига ижобий ёки салбий хулосалар беришдан иборат.

Агар аудитор ташкилотлари томонидан хўжалик субъектлари молиявий хўжалик фаолиятига ижобий хулоса берилган тақдирда солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан молия-хўжалик фаолияти текширилмайдиган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига киритишнинг шартлари ҳисобланади.

Бунда хўжалик юритувчи субъектда олдинги икки йил учун ҳар йилги ижобий аудиторлик хулосаларининг мавжудлиги, охирги икки йил мобайнида бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзларнинг йўқлиги ҳамда хўжалик юритувчи субъект томонидан молия-хўжалик фаолияти солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан текширишдан озод этилган даврга ижобий аудиторлик хулосаларининг тақдим этилишига эътибор қаратилади. Салбий аудиторлик хулосасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текшириш, режа-жадвалига белгиланган тартибда киритиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПК-325 сонли "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган ташкилот ва корхоналарга аудиторлик хизматлари кўрсатган аудиторлик ташкилотлари 2010 йил 31 декабрга қадар кўрсатилган хизматлардан тушган тушумдан тўланадиган ягона солиқдан озод этилган. Ушбу солиқ имтиёзи суммалари аудитор ташкилотларини моддий техника базасини кенгайтириш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида қўлланилади.

Сирдарё вилоят ҳудудида 2008 йил давомида 8 та аудиторлик ташкилотлари фаолият кўрсатган. Улар томонидан 2008 йилда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар суммаси 146118,0 минг сўмни ташкил этиб, 14200,4 минг сўм ягона солиқ бўйича имтиёздан фойдаланган.

Камолиддин СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси "Юридик шахсларнинг тўловларини бюджетга тушишини назорат ва таҳлил қилиш" бўлими бошлиғи

МАЪНАВИЯТ

МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

Миллий кутубхона

имкониятлари тобора кенгаймоқда

Шарқ табобатининг буюк намояндаси ибн Сино мамлакат подшоҳини табиблар тузата олмаган дарддан фориғ қилганида, унга қимматбаҳо совғалар туҳфа этилади. Шунда олим дуру жавоҳирлардан воз кечиб, сарой кутубхонасидан фойдаланиш учун рухсат сўрайди...

Акобир САЙИДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тарихимизнинг унутилмас воқеаларини эслаганда онгимиз ҳикматлар билан бойиб бораверади. Зеро, дунёнинг жами молу давлати ҳам билим манбаи - китоблар олдида ғарибдир. Кун келиб кишининг бойликлари тугаши мумкин, бироқ илму ҳунари абадий қолажак. Инсониятнинг азизлиги ҳам китоблардан олган билими биландир...

Мулоҳазаларимиз бизни беихтиёр кутубхона сари етаклайди. Пойтахтимизда қўр тўкиб турган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидаги шарт-шароитларни кўриб, бугунги кунда давлатимиз томонидан нафақат ёшлар, балки ҳар бир инсоннинг маънавий комиллик сари интилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилган ишларнинг шоҳиди бўлдик. Шу ўринда кутубхона директори, социология фанлари доктори Абдусалом Умаров билан даставвал тенгдошларимизнинг китобларга муносабати, яратилган имкониятдан қай даражада фойдаланаётгани хусусида суҳбатлашдик.

- Баъзан, ёшларимиз китоб ўқимаяпти мазмунидаги мулоҳазалар қулоғимизга чалиниб қолади. Ҳам мутахассис, ҳам ота сифатида буни қандай изоҳлайсиз?

- Мен ёшларимизнинг китобга муносабатини ўзгача таҳлил қилган бўлардим. Олдинлари ёшлар кутубхонага маънавий ҳордиқ олиш учун келишарди. Бўш вақтини фойдали ўтказиш мақсадида китоб мутолаа қилишарди. Очиғи, ҳозирги пайтда ўзининг яхши кўрган асарини ўқиб мазза қиламан дейдиганлар камроқ... Айни дамда ёшлар орасида максимализм ҳолатини кўпроқ кузатяпмиз. Олдига аниқ мақсад қўйиб кутубхонага ташриф буюриш одат тусини олган. Бунинг сабабларидан бири сифатида интернетни ҳам кўрсатиш мумкин. Ундан ахборот олиш анча осон. Масалан, кутубхонанинг Интернет аудиторияси ҳам доимо ёшлар билан гавжум бўлади. Шу боис бир соат мобайнида уларга интернетдан текин фойдаланиш имконияти берилган. Бу иккинчи соатда бошқаларнинг ҳам ундан фойдаланиши учун замин яратади...

Интернетнинг ютуқларидан бири маълумотлардан ҳар ким флешка ёки қоғозда нусха олиши мумкин. Унинг электрон кўриниши эса ўзига хос қулайлик яратади. Тўғри, шунга қарамай ёшлар кутубхонага келишмаяпти, дейишдан узоқман. Замоннинг жадаллиги ҳам уларнинг кутубхоналардан фойдаланиш вақтини қисқартиради. Мен ўзим социолог сифатида кутубхонадаги мутолаа жараёнлари билан шуғулланганман. Бугунги кунда одамларнинг тезкорлиги, манфаатлари ва аниқ мақсадлар сари интилиши ҳам ахборот олишнинг бир кўринишига айланиб улгурди. Кўпчилик соҳаси бўйича уйида электрон фондлар ташкил қилаётгани ҳам бунинг исботидир. Масалан, болаларим ҳам ўзига керакли китоблардан электрон кутубхоналар тузишган. Бу замоннинг бизга бераётган имконияти ва ундан тўғри фойдаланиш ўзимизга боғлиқ.

Интернетнинг ютуқларидан бири маълумотлардан ҳар ким флешка ёки қоғозда нусха олиши мумкин. Унинг электрон кўриниши эса ўзига хос қулайлик яратади. Тўғри, шунга қарамай ёшлар кутубхонага келишмаяпти, дейишдан узоқман. Замоннинг жадаллиги ҳам уларнинг кутубхоналардан фойдаланиш вақтини қисқартиради. Мен ўзим социолог сифатида кутубхонадаги мутолаа жараёнлари билан шуғулланганман. Бугунги кунда одамларнинг тезкорлиги, манфаатлари ва аниқ мақсадлар сари интилиши ҳам ахборот олишнинг бир кўринишига айланиб улгурди.

- Албатта, ҳар бир соҳа борки, у маълум камчилик ва муаммолардан ҳоли бўлмайди. Файласуфлардан бири "Нуқсон айб эмас, аммо уни тузатишга уринмаслик жуда катта хато", деган эди... Айни пайтда кутубхоналаримиз олдида қандай долзарб масалалар турибди?

- Хусусан, Миллий кутубхонамизга келсак, у деярли замон талабларига мос равишда фаолият юритаяпти. Ундаги шарт-шароитларга ҳавас қилсак арзийди. Шунга қарамай, вилоятлардаги айрим кутубхоналарда соҳага оид адабиётларнинг камлиги, етишмаслиги ҳали ҳамон ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Буни ҳозирги пайтда кўпгина нашрларнинг кам тиражда чиқаётгани билан изоҳлаш мумкин...

- Президентимизнинг 2002 йил 20 февралдаги "Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ кутубхонага Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мақоми берилди. Бундан ташқари 2006 йилнинг 20 июнида Юртбошимизнинг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган Фармон ва Қарорлар кутубхона фаолиятида қай даражада амалда татбиқ этилмоқда?

- Қабул қилинган Фармон ва Қарорлар кутубхонанинг ҳозирги, жаҳон стандартларига мос, замонавий қиёфага эга бўлишида бош омил бўлди, десак янглишмаймиз. Қарорга мувофиқ кутубхона негизида ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилди. Ахборот-кутубхона марказларидан кўзланган мақсад аҳолининг ахборий эҳтиёжини қондириш, манбалардан эркин фойдаланиш, кутубхона хизматининг сифатини ошириш, жойларда замонавий шарт-шароитлар, технологиялар асосида янгича тизимни жорий этиш демакдир. Мисол учун, 2007 йилдан бошлаб вилоятлардаги барча кутубхоналар ziyo.net тармоғига уланиб, электрон каталоглар яратилди... Жумладан, Миллий кутубхонамизда ҳам амалга оширилган ислоҳотлар диққатга сазовордир. Миллий кутубхона фондида айни дамда 6 миллион 473 минг 885 дона китоб бўлиб, унинг 30 мингдан ортиқ доимий аъзоси бор. Кутубхонадаги замонавий хизматларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Энг сўнгги русумдаги сканер харид қилиниб, айни пайтда китобхонлар А2 ва ундан катта ҳажмдаги газета ва китобларнинг керакли саҳифаларидан нусха кўчира оладилар.

Бундан ташқари виртуал тармоқ фондларидан фойдаланиш ҳам йўлга қўйилди. Дейлик, сиз китоб қидираяпсиз, аммо мазкур ноёб дурдона дунёнинг қайси кутубхонасида борлигини билмайсиз. Биздаги мавжуд имкониятларга кўра, интернет орқали ўша кутубхонага кириб, айнан ўша манбадан керакли маълумотларни олишингиз мумкин. Фаолиятимиз бу билан тўхтаб қолгани йўқ. Айни пайтда дунёдаги муҳим электрон ресурсларни ўзида жамлаган компаниялар билан шартномалар туздик. Эндиликда улардаги бебаҳо электрон ресурсларига кириш имконига эгамиз. Россиядаги энг катта кутубхоналардан бири Россия Давлат кутубхонаси билан йўлга қўйилган алоқаларимиз ҳам китобсеварларимиз учун яратилган шароитларнинг бир қисмидир. У ерда жуда катта диссертациялар тўплами мавжуд. Айни дамда ушбу кутубхона диссертацияларини электрон шаклга ўтказяпти. Электрон нусхаларидан бемалол фойдаланишимиз мумкин. Бу эса китобхонларимиз, тадқиқотчиларимизга ўз соҳаси бўйича интернет орқали тўлиқ матнли диссертацияларни кўздан кечиришга имкон беради. Дарҳақиқат, замонавий ахборот олиш усуллари тадқиқотчининг ҳам вақти, ҳам маблағини тежайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, хорижга чиқиш ва у ердаги кутубхона базасидан фойдаланиш учун қанчадан-қанча сарф-харажат талаб қилинади. Бизга мурожаат қилишса, унга керак бўладиган махфий кодларни берамиз. Бу орқали у интернетдан ўзи учун лозим маълумотларни олиши мумкин.

Бундан ташқари виртуал тармоқ фондларидан фойдаланиш ҳам йўлга қўйилди. Дейлик, сиз китоб қидираяпсиз, аммо мазкур ноёб дурдона дунёнинг қайси кутубхонасида борлигини билмайсиз. Биздаги мавжуд имкониятларга кўра, интернет орқали ўша кутубхонага кириб, айнан ўша манбадан керакли маълумотларни олишингиз мумкин.

- Қандай соҳада бўлмасин замон билан ҳамнафас яшаш, эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаслик асосий мезон саналади. Умуман, кутубхона фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги янги мақсад ва вазифалар билан ўртоқлашсангиз.

- Кутубхоналаримизда яратилаётган шарт-шароитлар бизни қувонтирмасдан қолмайди. Шуни унутмайликки, билим олишга бўлган иштиёқнинг рағбатлантирилиши келажакда, албатта, ўз мевасини беради. Биз ҳам бунга қўлимиздан келганича ҳисса қўшишга уринмоқдамиз. Жумладан, айни дамда йиғма каталог яратиш устида бош қотираяпмиз. Йиғма каталог республикамиздаги мавжуд кутубхоналар адабиётлари рўйхатининг электрон вариантини бир жойга тўплаш демакдир. Бунда барча вилоятлардаги ахборот-ресурс марказларининг фондлари, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, болалар, кўзи ожизлар сингари ихтисослашган кутубхоналарнинг каталогларини жамлаш талаб қилинади. Ҳозирдан бу ишга киришаяпмиз.

Суҳбатдошимизнинг фикрлари маънавий қанот бергувчи кутубхоналаримиз салоҳиятига оид билим ва маълумотларимизни янада бойитди. Энг муҳими ёш тенгдошларимизга қарата "Келинг, кутубхонага борайлик", демоққа чорлади. Зеро, мустақиллик шарофати билан юзага келган имкониятлардан оқилона фойдаланган толиби илмлар келажакда барча соҳаларда таянчимиз ва суянчимизга айланиши шубҳасиз.

КАДРИЯТЛАРИМИЗ

Ўтмишсиз келажак йўқ

халқимизнинг бой маданиятини ўрганиш барчамизнинг бурчимиздир

Бухоро юртимизнинг қадимий гўшаларидан биридир. Ушбу заминда аждодларимизнинг ақлу заковати, бетакрор ва нодир истеъдоди туфайли қанчадан-қанча тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар бизгача етиб келди. Бу халқимизнинг улкан салоҳият ва юксак тафаккур соҳиби эканидан далолатдир.

Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Дунёни лол этаётган бундай тафаккур гулшани, маданий қадриятлар ва миллий урф-одатларимиз асрлар давомида шаклланган маънавиятимиз дурдоналаридир. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ, деган ҳикмат бежиз эмас.

Маданий меросимиз ўз ичига нафақат тарихий обидалар, балки, бадиий адабиёт, мусиқа, миниатюра, халқ амалий санъатини ҳам қамраб олади. Уларни асраб-авайлаш, фарзандларимиз ва келажак авлодга етказиш бугуннинг муҳим вазифаси, десак янглишмаймиз. Биз Бухоро вилоят Спорт ва маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Садриддин Шаропов билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.

— Садриддин Солиевич, вилоят музейларидаги қадимий ва нодир қўлёзмаларнинг сақланиши, уларга бўлган эътибор шу соҳа вакили сифатида сизни қониқтирадими?

— Бухоро Давлат музей-қўриқхонасининг доимий экспозициялари, кўргазма заллари ва фондларида жами 120 мингдан ортиқ турли даврларга оид ўлкамиз бой тарихи, маданияти, ҳунармандчилиги, шаҳарсозлиги ва ўзбек давлатчилиги ҳақида ҳикоя қилувчи, жаҳон аҳамиятига молик музей ашёлари сақланмоқда. Уларнинг 73032 таси асосий фондга тегишлидир. Булар асосан араб имлосида ёзилган ноёб қўлёзма асарлар ва ҳужжатлардан иборат. Музей-қўриқхона ашёларини тўла сақланиш ҳолатини таъминлаш мақсадида барча зарур чоралар кўрилган. Улар вилоят Ички ишлар бошқармасининг қўриқлаш хизмати томонидан муҳофаза қилинади. Дарвоқе, ҳар йили экспонатларнинг ўртача 400-500 таси таъмирланяпти. Экспонатлар шу жумладан, ноёб қўлёзма асарлар ва ҳужжатлар доимий равишда коллекциялар ва музейлар бўйича қайта рўйхатдан ўтказилмоқда. Миллий маданий меросимизни ташкил этувчи нодир қўлёзма ва тошбосма асарлар ҳамда қўлёзма ҳужжатларга эътибор замон талабларига жавоб беради. Уларни илмий тадқиқ қилиш ва ягона музей каталогини яратиш мақсадида музей-қўриқхона таркибида Камолиддин Беҳзод номли Бухоро тасвирий санъат музейи биносида араб ёзувидаги қўлёзма асарлар ва ҳужжаларни ўрганиш Илмий марказ ташкил этилган. Илмий марказдаги 5 мингга яқин қадимий нодир китоб ва ҳужжатлар яқинда музей-қўриқхона маъмурияти буюртмаси асосида ясалган замонавий шкаф жавонларда сақланмоқда. Бухоро Давлат университети ижтимоий фанлар факультети, Бухоро озиқ овқат ва енгил саноат технологияси институти профессор-ўқитувчи ва талабалари, шунингдек, ЎзФА Тарих институти, ЎзФА Шарқшунослик институти илмий тадқиқотчилари доимий равишда нодир қўлёзма китоблар ва ҳужжатлардан фойдаланиб келишяпти.

Бухоро Давлат музей-қўриқхонасининг доимий экспозициялари, кўргазма заллари ва фондларида жами 120 мингдан ортиқ турли даврларга оид ўлкамиз бой тарихи, маданияти, ҳунармандчилиги, шаҳарсозлиги ва ўзбек давлатчилиги ҳақида ҳикоя қилувчи, жаҳон аҳамиятига молик музей ашёлари сақланмоқда. Уларнинг 73032 таси асосий фондга тегишлидир. Булар асосан араб имлосида ёзилган ноёб қўлёзма асарлар ва ҳужжатлардан иборат.

— Ушбу қадимий ва нодир қўлёзма асарлар сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётган бўлса керак...

— Музей-қўриқхонасининг нодир қўлёзма ва тошбосмалари ҳамда қўлёзма ҳужжатларини кенг миқёсда тарғиб этиш ва илмий муомалага киритиш мақсадида бир неча йиллар муқаддам Бухоро музей-қўриқхонасида сақланаётган нодир қўлёзма китоб ва ҳужжатларнинг илмий каталоги германиялик олимлар билан ҳамкорликда нашр қилинган эди. Қўлёзма ва тошбосма асарлар ҳамда ҳужжатлар "Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонаси коллекциялари" номли рангли тасвирда икки хил кўринишда чоп этилган альбом ва "Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонаси"нинг 5 жилдлик каталогига ҳам киритилган.

Бухоро вилоят ўлкашунослик музейи таркибидаги тарих бўлимининг доимий кўргазма зали бўлмиш Жомеъ масжидида намойиш этилаётган ноёб қўлёзма асарлар ва ҳужжатлар кўргазмаси ҳар олти ойда алмаштирилиб турилади. Уларни ҳар йили 200 минг нафардан ортиқ хорижий ва маҳаллий сайёҳлар томоша қилмоқда.

— Бухороликларнинг ўзига хос халқ ўйинлари ва қўшиқлари, ошпазлик санъати, меҳмон кутиш ва меҳмон кузатиш анъаналари мавжуд. Ушбу миллий қадриятларнинг йўқолиб кетмаслиги ва боқийлигини таъминлаш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари билан ким шуғулланади ва бу йўналишда қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Тўғри, бухороликларнинг ўзига хос халқ ўйинлари ва қўшиқлари жуда кўп ва хилма-хил. Масалан, Қоракўл, Олот ва Ғиждувон томонларда катта қўғирчоқни кўтариб, ҳовлима-ҳовли юриб буғдой йиққанлар, сўнгра ундан ҳалиса пишириб одамларга улашганлар. Байрам ва сайилларда "Дугона-дугона дейман", "Одох-одох ва дилбар", "Дийдиёр", "Лаъли-ла ва ой бирдам-бирдам", "Кўйлак тикдим гулдўзи" каби лапарлар кўпчилик бўлиб куйланган. Наврўз арафасида "Гули сурх", "Мошоба" каби халқ ўйинлари ўтказилган. Бу тантаналарда "Додаракам", "Мошобанинг моши бор", "Бухорога бир келинг" ёки "Меҳржон" номли қўшиқ ва лапарлар завқ билан ижро этилган.

Бухороликлар меҳмонларни ўзига хос тарзда кутиб олишган. Дарвозадан кирган меҳмонга, аввало ширинликлар тутилган. "Хуш келибсиз" сингари ширин-шакар айтишувлар, мухаммаслар фақат Бухорога хосдир. Меҳмонлар зарпат, зардўз, кундал кўрпачалар устига ўтказилиб, ёнларига лўла болишлар қўйилган. Улардан ёқимли ҳидлар таралиб туриши учун гулираъно сувидан пуркашган. Дастурхонда ошсафи, ҳалиса, кабоб, ҳалим, турлитуман ширинликлар, пишириқлар, обидандон гулоблари каби миллий таомлар ўрин олган. Меҳмонни кузатишда ҳам алоҳида илтифот кўрсатилиб, бухороча патирлар, ҳолвалар, зардўз маҳсулотлари инъом этилган.

Дарҳақиқат, суҳбатдошимиз таъкидлаганидек, Бухоронинг қадимий урф-одатлари ва анъаналарига ҳавас қилсак арзийди. Мустақиллигимиздан сўнг эса илдизларимиз туташадиган гўзал расм-русумларимиз қайта тикланди. Зеро, ўтмишимиздаги бой маданиятимиздан ўрнак олиш келажагимиз фаровонлигини таъминлайди.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Матбуот дўконидан ўзимизнинг севимли газета ёки журналимизни харид қилар эканмиз беихтиёр олисдан ташриф буюрган дўстимизни кутиб олгандай қувонамиз. Унинг дарди ва хурсандчиликларига шерик бўлишга шошиламиз. Матбуот дўкони сотувчиси эса бизнинг оғиримизни енгил қилгандай таассурот қолдиради...

"Энг моҳир матбуот тарқатувчи"

ғолиблари тақдирланди

Акобир САЙИДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Зеро, маънавий эҳтиёжимизни қондириш учун тиним билмай меҳнат қилаётган ходимлар фаолияти диққатга сазовордир. Шу боис "Матбуот тарқатувчи" АК матбуот дўконларида фаолият юритаётган сотувчилар ва ижарачи - тадбиркорларнинг ўз касбига бўлган қизиқишини ошириш, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига юқори савияли савдо хизмати кўрсатиш; ижтимоий-сиёсий вақтли нашрларнинг тарқатилиш даражасини ошириш мақсадида "Энг моҳир матбуот тарқатувчи" кўрик-танлови ўтказилиши бежиз эмас. Бундан ташқари, ушбу тадбир мобайнида матбуот дўконлари орқали ижтимоий-сиёсий ва болалар учун мўлжалланган нашрлар савдосига бўлган қизиқишни кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларни ёритишнинг маъно ва сифат даражасини кўтариш ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда ОАВ ролини кучайтириш кўзда тутилган. Ушбу тадбир ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи муносабати билан компания шаҳар ҳудудида жойлашган ўз тасарруфидаги "Matbuot" дўконларини таъмирлаб, витриналарда газета ва журналларни кўринарли тарзда жойлаштириш, дўкон ичи ва ён атрофи санитар ҳолатини яхшилаш каби бир қатор ишларни бажарди. Кўрик-танлов Низомига биноан иккита биринчи ўрин – 278-матбуот дўкони сотувчиси Тўхтамурод Жалолов, 262-ижара матбуот дўкони сотувчиси Манзура Қурбоналиева; иккита иккинчи ўрин – 246-матбуот дўкони сотувчиси Саркис Асриянц, 118-ижара матбуот дўкони сотувчиси Гулчеҳра Орипова; иккита учинчи ўрин – 140-матбуот дўкони сотувчиси Альфия Назмутдинова, 264-ижара матбуот дўкони сотувчиси Баҳодир Зокиров диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Бундан ташқари тадбирнинг энг фаол иштирокчиларига ҳам эсдалик совғалари топширилди.

2009 ЙИЛ - "ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРАВОНЛИГИ ЙИЛИ"

Тадбиркорлар

сони кўпайиб бораяпти

Боёвут — Сирдарё вилоятининг донгдор туманларидан. Туман ўзининг миришкор деҳқонлари, донгдор соҳибкор, ғаллакор ва пиллакорлари билан довруғ қозонган.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Кейинги йилларда туман қишлоқларида шаҳардан ҳам қолишмайдиган бир-биридан шинам замонавий қиёфадаги иншоотлар, турар-жойлар, гўзал хиёбонлар, маҳалла гузарлари, коллеж, мактаблар, спорт мажмуалари бунёд этилди.

Маданий-маиший ва сервис хизмати кўрсатиш тармоқлари, тўйхоналар, нуронийлар чойхонаси қишлоқ ҳуснига-ҳусн бағишлаб турибди.

Усмонобод қишлоқ фуқаролар йиғини тумандаги йирик аҳоли масканларидан саналади. Ҳудудда 8660 нафардан ошиқ киши умргузаронлик қилади. Фуқаролар йиғинида 4 та умумтаълим мактаби, 1 та касб-ҳунар коллежи, 3 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та мактабгача тарбия муассасаси, 40 та маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Фуқаролар йиғини ҳудудида тадбиркорлик ҳаракати кенг ривожлангани боис аҳолининг турмуш шарт-шароити тубдан яхшиланиб бормоқда. Тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан қишлоқлар гўзаллашиб, кўркига кўрк қўшилаяпти. Қишлоқ тадбиркори Санжар Қобулов, ташландиқ аҳволга келиб қолган ёзги маданият саройини ўз маблағи ҳисобидан қайта таъмирлаб, замонавий қиёфадаги дам олиш масканига айлантирди. Бу маскан айни кунда одамларнинг энг севимли гўшасига айланган. Яна бир ишбилармон Анорбой Оқилов эса ўз сармояси ҳисобидан ўнлаб маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ўрин олган маҳалла гузарини барпо этаётган бўлса, тадбиркор Абдуқодир Абдуллаев янги оталар чойхонасини бунёд этмоқда. Ҳудуддаги "Т.Мусурмонов" фермер хўжалиги раҳбари Жониқул Мусурмонов эса кредит маблағи ҳисобидан хусусий автокорхонасини ишга туширди. Ушбу корхонадаги ўндан зиёд юк машиналари қишлоқ одамларининг узоғини яқин, юкини енгил қилаяпти. Ишбилармон, тиниб-тинчимас инсон Жониқул Мусурмонов сердаромад соҳа чорвачиликни ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. У чорвачилик фермер хўжалигини йўлга қўйди. Бу ерда айни кунда 70 бошдан зиёд қорамол парвариш қилинмоқда. Фермер хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилаётган серқаймоқ сут, қатиқ, сариёғ каби маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги ва арзонлиги билан барчага манзур бўлаяпти.

Жониқул Мусурмоновнинг келажакдаги режалари янада улкан ва залворли. У фермер хўжалигида чорва маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхона ташкил этишни режалаштирган. Агар бу хайрли иш ҳам амалга ошса яна ўнлаб ишсиз юрган қишлоқ ёшлари доимий иш ўринларига эга бўладилар.

Тадбиркор қанча кўп бўлса, юрт шунча обод ва фаровон бўлади. Тадбиркорлар ўзлари истиқомат қилаётган қишлоқлар тараққиёти ва фаровонлигига баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шароф Ҳайдаров, Мирза Жўраев, Дониёр Жунаев, Султон Худойқулов каби ишбилармонлар 3 километр узунликдаги йўлни таъмирлаш, асфальтлаш, хонадонларни тўлиқ тоза ичимлик суви билан таъминлаш, кўча ва гузарларни ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Қишлоқнинг саховатпеша, қўли очиқ инсонлари ҳудуддаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг коммунал хизмат тўловлари учун бир миллион сўм маблағ ажратиб бердилар. Боқувчисини йўқотган, ногирон ва беморларга ҳам тез-тез саховат ёрдамлари бериб борилаяпти.

Ишбилармон, тадбиркорлар саъй-ҳаракати туфайли кичик ва ўрта бизнес ривожланиб 50 та янги иш ўрни яратилди ва қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди. Қишлоқнинг тадбиркор аёли О.Маматқулова тикув цехини ташкил этди ва 10 нафар қиз-жувон доимий иш ўрнига эга бўлди. Айни кунда бу ерда тайёрланаётган бежирим, замонавий фасондаги костюм-шимлар аллақачон ўз харидорларини топган.

Усмонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли томорқа хўжалиги, чорвачилик ва паррандачилик ривожига кенг эътибор қаратаётгани боис турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораяпти.

Қишлоқ аҳолиси дастурхонидан дармондорига бой мевачева, сабзавот, полиз маҳсулотлари асло узилмайди. Истеъмолдан ортганлари бозор пештахталаридан жой олган.

Усмонобод қишлоқ фуқаролар йиғинида яхши ишлаб, яхши даромад топаётган бундай оилалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

ЎҚУВ

Яккабоғ туман мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти тасарруфидаги ўқув спорт-техника клуби ёшларни соғлом, бақувват, билимли ва маънавиятли, ватанга муҳаббат, юртга садоқат, бир сўз билан айтганда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бир қаторда "В" ва "ВС" тоифадаги ҳайдовчиларни тайёрлаб келмоқда.

Ватанпарвар ёшлар — миллат қаноти

Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

— Ўтган 2008 йилда режани 220 фоизга бажарганмиз, - дейди, ўқув спорт-техника клуби бошлиғи Фахриддин Бобоназаров. - Жорий йил 240 нафар ёшларни ўқитиш кўзда тутилган бўлиб биринчи даврада "В", "ВС" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун 150 нафар ўқувчи муваффақиятли ўқиб чиққан бўлса, иккинчи даврада 120 нафари ўқимоқда. Бундан ташқари техника клубимизда ҳайдовчиларни 30 соатлик йўл ҳаракати қоидаларига қайта ўқитиш ташкил қилинган бўлиб, бугунга қадар 81 нафар ҳайдовчи таълим олди.

Ватанпарвар ёшлар йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини, техник хизмат кўрсатишни мукаммал ўрганишлари учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомашиналарнинг тузилиши ва амалий машғулот синф хонаси, 2 та юк, 9 та енгил автомашинаси ҳамда ҳаволи милтиқдан ўқ отиш, моттокросс ва картинг секцияси фаолият юритаяпти. Ўқув спорт-техника клуби ўқувчилари ҳудудлараро ва вилоятда бўлиб ўтаётган турли мусобақаларда мунтазам қатнашиб муносиб ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Клуб яқинда Китоб туманида бўлиб ўтган ҳаволи милтиқдан ўқ отиш ҳудудий мусобақасида иккинчи ўринни қўлга киритди.

ИҚТИСОДИЁТ

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Балиқчилик ривож топмоқда

Дарҳақиқат, балиқчилик қишлоқ хўжалигининг энг сердаромад соҳаларидан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам Жиззах вилоятида сўнгги йилларда уни ҳар томонлама ривожлантиришга асосий эътибор берилмоқда.

Ўрозали БЕРДИБЕКОВ

Вазирлар Маҳкамаси Қарорига мувофиқ воҳада мавжуд ҳавзаларни чуқурлаштириш, дренаж ва коллекторларни тозалаш, инкубация цехлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда балиқ чавақларини етиштириш кўзда тутилган. Айни пайтда эса Тошкент вилоятидан балиқ чавақлари келтирилмоқда. Маълумотларга қараганда ҳозиргача табиий ва сунъий ҳавзаларга 400 мингдан ортиқ балиқ чавақлари ташланди.

— Йил охирига қадар бу кўрсаткичларни бир ярим миллион донадан оширишни мўлжаллаганмиз. Бунинг учун 205 минг гектар сув ҳавзамизнинг мавжудлиги ва яна иккита сув омборининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишимиз соҳа ривожи учун асқотади,- дейди биз билан суҳбатда Айдар-Арнасой сув ҳавзаси инспекцияси нозири Комил Ҳакимов.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби балиқчиликда ҳам мулкчилик муносабатларининг йўлга қўйилиши самарали ечим сифатида бугун ўзини тўла оқламоқда. Масалан сув ҳавзасининг 80 дан ортиғи тадбиркорлик субъектларига тендер асосида бўлиб берилганлиги ўз самарасини бераяпти. Жиззах воҳасининг ҳар бир туманида биттадан балиқчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари шаклланаётгани ва сунъий сув ҳавзалари яратиш бўйича жиддий ишлар олиб борилаётгани яқин йиллар ичида яхшигина даромадлар қўлга киритилишининг исботидир.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, бугун соҳада даромад олиш ниятида тадбиркорлар фақат ов қилиш эмас, балки балиқлар сони ҳамда турини кўпайтириш ҳақида ҳам бош қотиришмоқда. Вилоятда айнан шу мақсадда 18 та сунъий ҳавзаларни барпо этиш ишлари якунига етказилмоқда. Жорий йилда табиий ва сунъий ҳавзалардан 2 минг тоннага яқин балиқ овланиши режалаштирилган бўлиб, бу жараён 3 йил мобайнида давом этади.

Маматқул Пайзиқулов ҳам элимиз дастурхонига балиқ гўштини арзон ва сифатли етиштиришга бел боғлаган фермерлардан биридир. Айни кунларда ўз фермер хўжалигида сунъий сув ҳавзаларини барпо этиш билан боғлиқ ишларга алоҳида ёндашаётир. Шу боис ҳам айни пайтда соҳа мутахассислари ва экологлардан ташкил топган ишчи гуруҳи нафақат бу борадаги тадбирларни ташкил этиш, балки истиқболдаги йўналишлар бўйича ҳам қизғин иш олиб бормоқдалар.

— Вилоятдаги шўр ва чучук сув ҳавзаларига мос озуқа базасини тайёрлаш, йўқолиб бораётган балиқ турларига шароит яратиш, ҳавзаларни узлуксиз сув билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга жиддий киришганмиз, - дейди биз билан суҳбатда вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходими Абдулла Дадашев.

Соҳа ходимларининг фикрича ҳозирда балиқ етиштириш истагини билдираётган фуқаролар кўпчиликни ташкил этмоқда. Уларнинг бу борадаги имкониятлари ўрганилиб, истиқболдаги лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яхши ният йўлида олиб борилаётган бу амалий ҳаракатлар келгусида балиқчилик соҳасининг вилоят иқтисодиётида ўзига хос ўрин эгаллашини таъминлайди.

ТИББИЙ ХИЗМАТ

Олис қишлоқдаги ҚВП

ундан аҳоли мамнун

Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими, беморларни даволашдан кўра уларнинг хасталикка чалинмасликлари учун курашиш бугунги кун шифокорининг асосий иш мезонига айланиб бораяпти.

Алишер РАҲМОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қорабўйин қишлоғи Бойсун туман марказидан 3,5 км. олисда жойлашган. Ана шу қишлоқдаги ҚВП (қишлоқ врачлик пункти) 5166 нафар қишлоқ аҳолисига хизмат қилади. Мазкур ҚВП 1996 йилда янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган. Айни вақтда бу ерда 18 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатмоқда. Маълумотларга кўра ўтган 2008 йилда ҚВПга қатновлар 228 мингни ташкил қилган, яъни бир одамнинг ўртача қатнови 4,4 фоиздан иборат бўлган.

Физиотерапия, лаборатория-диагностика, доялик, кундузги стационар, муолажа ва эмлаш хоналаридан беморлар унумли фойдаланаяптилар. Кунлик ва врачлик назорати муолажаси қатъий тартиб асосида йўлга қўйилган.

Айниқса ҚВПнинг лаборатория-диагностика хонасидаги ишлари кўнгилдагидай. Олий тоифали лаборант Турди Эшмуродов ўзининг кўп йиллик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда беморларга хизмат қилаяпти. Беморлар ҳам ўз навбатида ундан мамнун. Таъкидлаш жоизки, бу ерда бўлиб ўтадиган ҳар бир байрам ва улуғ саналар алоҳида шоду хуррамлик билан нишонланади. Ҳар бир ходимга совға-салом улашиш, байрам дастурхонини ташкил қилиш анъанага айланган.

Энг асосийси ҳар бир шифокор ёки ҳамшира ишига, меҳнатига қараб муносиб рағбатлантирилаяпти. Қолаверса, ҳудуддаги ногиронлар, кексалар ҳолидан доимо хабардор бўлиш каби ибратли ишлар йўлга қўйилган.

Катта ҳамшира Насиба Ёдгорова, эмлаш ҳамшираси Муҳаббат Раҳмонова, муолажа ҳамшираси Меҳри Муртазоқулова, доя Бўрихол Солаевалар меҳнати алоҳида эътирофга сазовор.

ҚВП ҳовлисига кирсангиз баҳри дилингиз очилади. Теварак атроф гулзорга айлантирилган. Дид билан экилган мевали ва манзарали дарахтлар, ён-атрофнинг ям-яшиллиги баҳри дилингизни очади.

— Бажаришимиз лозим бўлган вазифалар анчагина. Ҳудудимиздаги ҳар бир оиланинг тиббий маданиятини оширишда, ёш оилаларни кўрикдан ўтказиш, ўсиб келаётган авлодни соғлом ва баркамол бўлиши учун асосий эътиборимизни қаратганмиз. Шунингдек, турли хил тиббий мавзуларга бағишлаб давра суҳбатлари ҳам ташкиллаштирамиз,- дейди ҚВП бош шифокори Нуриддин Шоймардонов.

Суҳбатимиз жараёнида шифокорлар учун катта қулайликлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Хоналар тоза, ораста, биринчи ёрдам дори-дармонлари етарли. Хуллас, бир сўз билан айтганда қалб меҳри, виждон амри билан фаолият кўрсатаётган ҚВП ходимларининг ниятлари ҳам эзгулик нурига йўғрилган.

БАНДЛИК

Меҳнат ярмаркаси

унда 117 нафар ёш иш ўрнига эга бўлди

Бугунги кунда Республикамизда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари ва механизмларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераяпти.

Учтепа туман ҳокимлиги туман бандликка кўмаклашувчи маркази билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ҳамда вакант лавозимлар ярмаркасини ўтказди. 14 дан зиёд корхона ва ташкилот ўзларининг 693 та бўш иш ўрни билан қатнашган мазкур ярмаркада тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, вақтинча ёки доимий иш ўрнига эга бўлишни хоҳлаган ёшлар иштирок этишди.

Айтиш жоизки, 2008-2009 ўқув йилида тумандаги касб-ҳунар коллежларини 2715 нафар битирувчи тамомлайди. Мониторинг натижаларига кўра улардан 2428 нафарининг бандлик масаласи ҳал этилиши кўзда тутилиб, 178 нафари оилавий ва бошқа сабабларга кўра ишлай олмаслигини билдирган.

- Коллеж ва лицейларни тугатган ёшлар келажаклари борасида бирон тўхтамга келишда бир оз қийинчиликка дуч келади. Шу боис бу каби меҳнат ярмаркаларининг ўтказилиши ёшларнинг касб танлаш имкониятларини ошириши билан аҳамиятли,- деди туман вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби Жамолиддин Худойқулов.

Мазкур ярмаркани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад давлатимиз томонидан жорий йил учун белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш ва вақтинча ишламаётган, касб-ҳунар коллежларида ўқишни тугатган ёшларни касб ва малакалари бўйича ишга жойлашишларида амалий ёрдам кўрсатишдир.

Кўргазма якунига кўра, ташриф буюрганларнинг 117 нафардан ортиғи шу ернинг ўзида ишга таклифнома олдилар.

Камолиддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish"мухбири

БУНЁДКОРЛИК

Олти гектар майдонни эгаллаган "Шинам қурилиш жиҳозлари" очиқ ҳиссадорлик жамияти бутун Фарғона водийсини қурилиш материаллари ва хўжалик маҳсулотлари билан таъминламоқда. Марказ қошидаги замонавий жиҳозланган ишлаб чиқариш цехи харидорлар талаби асосида темир эшиклар, дераза ва йўлакларга панжаралар, турли шакл ҳамда кўринишдаги алюмин профиллар ишлаб чиқармоқда. Қурилиш материалларини сотиш учун ярмарка ҳам ташкил этилган.

Янги савдо маркази

Андижонда фаолият бошлаган янги савдо-ишлаб чиқариш маркази қисқа фурсатда ўз харидорларига эга бўлди

Асосийси, марказнинг фаолият бошлаши 150 нафар маҳаллий ёшларни муқим иш ўринлари билан таъминлади. "Шинам қурилиш жиҳозлари" корхонаси қошида таъмирлаш ишларини бажарадиган кўчма гуруҳнинг ташкил этилганлиги мижозлар учун айни муддао бўлмоқда. Шунингдек, аҳоли учун турар-жой бинолари ва бошқа иморатлар қуриб берадиган гуруҳ ҳам иш бошлаган. Улар ўзаро шартнома асосида бунёдкорлик ишларини бажаришади. Бу гуруҳлар қурилиш учун зарурий барча материалларни "Шинам қурилиш жиҳозлари"дан олишгани туфайли кўрсатилаётган хизмат ҳақи бирмунча арзонга тушмоқда.

Марказ келгусида тиббиёт хизмати кўрсатувчи шохобчалар, дам олиш хоналари кабиларга ҳам буюртма олишни режалаштирган.

"Туркистон-пресс"

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳзод ИСКАНДАР

Зилзила сирини очиш

инсоният учун доимо муҳим масала бўлиб келмоқда

Табиатнинг биз тушуна олмаётган жумбоқлари талайгина. Шулардан бири зилзила бўлиб, инсоният XXI асрда янгидан янги техника ва технологиялар ишлаб чиқараётганига қарамай, табиий офатнинг бу тури билан "тиллашиш"га ожиз қолмоқда. Зилзилаларни олдиндан аниқлаш имконияти йўқлиги туфайли ҳар йили курраи заминнинг турли нуқталарида содир бўлаётган ер силкинишлари минглаб одамлар қурбон бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу боис олимлар узоқ йиллардан бери зилзилани олдиндан аниқлаш, ер қимирлаши сирини очиш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Гап шундаки, мутахассислар томонидан кучли довул, торнадо, сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиш вақти, об-ҳавонинг кескин ўзгариши сингари табиий офатларни олдиндан аниқлаш имконияти мавжуд. Аммо зилзила бундан мустасно. Ер силкиниши - табиий ҳодисалар ичида табиатга, жамиятга ва экологик вазиятга катта талофат етказувчи, халқ тили билан айтганда, "табиатнинг энг қўрқинчли ва вайронкор қудратга эга бўлган бир кўриниши"дир. Ҳар қандай табиий офатлар сингари зилзила ҳам фавқулодда содир бўлиб, инсонларни беихтиёр саросимага солиб қўяди. Хўш, бундай вазиятда қандай муҳофаза чораларини қўллаш, энг аввало нималарга эътибор қаратиш зарур? Аслида шу кунга қадар одамларни талвасага солиб келаётган мазкур табиат ҳодисаси ўзи нима? Зилзиладан сақланиш мумкинми? Ўзбекистондаги вазият қандай?

Зилзила қадим замонлардан буён одамлар эътиборини жалб этиб келади. Хусусан, юнон олими Демокрит зилзила сувлар таъсири натижасида келиб чиқади, деган хулосани илгари сурган. Аристотель эса ғор ва бўшлиқларда йиғилиб қолган ҳавонинг катта босими таъсирида ер остига кириши, ой тутилишлари ва довуллар зилзила сабабчилари, деб ҳисоблаган. Аммо бугунги кунда ушбу фикрларнинг хатолиги исботланган бўлса ҳам улар айни ҳодиса тўғрисидаги дастлабки илмий қарашлар сифатида қаралади.

Сейсмология институти директори, Ўзбекистон фанлар академияси академиги, физика-математика фанлари доктори Қаҳҳорбой Абдуллабековнинг фикрича, Ер қимирлашининг келиб чиқиши замин қатламларида тўхтовсиз кузатиладиган мураккаб кимёвий, физик жараёнлар билан боғлиқ. Чунончи, солиштирма оғирлиги катта бўлган жинсларнинг доимо пастга, енгилларининг эса юқорига ҳаракатланиши ҳамда радиоактивлик ҳодисаси ва турли фазовий ўтишлар натижасида ернинг чуқур қатламларида қўшимча энергия йиғилади ва тоғ ҳосил қилувчи кучларга айланиши алал-оқибат зилзилаларни "дунё"га келтиради. Мутахассислар кучли зилзилалар содир бўладиган минтақаларни сейсмик жиҳатдан иккита асосий ҳудудга бўлишади: биринчиси географик кенглик йўналишида Альп, Карпат, Кавказ, Копетдоғ, Тянь-Шань, Помир, Ҳимолай тоғлари каби Ўрта ер денгизи - Осиё сейсмик камарини ташкил этади. Иккинчиси, субмеридионал йўналишда Тинч океанининг шарқий ва ғарбий қирғоғи ва қисман қуруқлик минтақаларини ўз ичига олиб Тинч океани сейсмик камарида сайёрамиздаги зилзилаларнинг қарийб 80 фоизи содир бўлади. Бундай сейсмик фаоллашган жойларга Жанубий Америкадан Антарктидагача, Европа ва Осиё қитъасининг шимолий қисми, Марказий ва Ғарбий Африка, Австралия ҳудудлари киради. Демак, Марказий Осиё унинг сейсмик жиҳатдан фаол бўлган Копетдоғ, Тянь-Шань, Помир тоғлари туфайли сейсмик фаол минтақага киради. Мутахассислар фикрича, Ўзбекистон Ўрта Тянь-Шань зонасида жойлашганлиги учун мамлакатимиз нисбатан сейсмик тинч зона саналади. Аммо бу хотиржамликка берилиши керак, дегани эмас.

1966 йил 26 апрелда Тошкентда юз берган зилзиладан сўнг собиқ иттифоқда биринчи бўлиб Ўзбекистон ФА таркибида ўша йили Сейсмология институти ташкил этилди. Бугунги кунда юртимизда мазкур ташкилотнинг 20 дан зиёд сейсмик станциялари ишлаб турибди. Институтнинг асосий илмий йўналишларидан бири зилзилаларнинг табиатини, у содир бўладиган муҳит хусусиятларини, зилзилаларнинг даракчиларини ўрганиш ва уни башорат қилиш усулларининг назарий асосларини яратиш саналади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ер қимирлашларини башорат қилиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Жумладан, кучли зилзилаларни олдиндан аниқлаш борасида ишончли ва истиқболли янги усуллар яратилди, уларнинг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилди. Бу усуллар мажмуини қўллаш асосида Ўзбекистон ҳудуди ва ён атрофдаги ҳудудларда бўлиб ўтган бир неча кучли зилзилаларни олдиндан айтишга муваффақ бўлинган. Масалан, 1976 йилнинг 17 майидаги Газли, 1978 йил 1 ноябридаги Олай, 1984 йил 18 февраль куни Поп зилзилалари олдиндан айтилгани шулар жумласидандир.

Маълумотларга кўра, Ер шарида содир бўладиган зилзилалар сони йил давомида бир неча юз мингга етиши мумкин. Шундан халқ хўжалигига зарар етказадиган зилзилалар эса бир неча юзтани ташкил этади. Сайёрамизда ўртача ҳисобда ҳар 8000 одамдан бири зилзила қурбони бўлади ва бундан ўн марта кўп одам зилзиладан у ёки бу даражада зарар кўради. Олимларнинг зилзиладан сўнг тадқиқот сифатида ўтказган сўровномаларига кўра, аҳоли кучли силкинишлар давомийлигини 30-40 сония деб баҳолаган. Аслида улар 5-10 сония давом этган бўлади. Инсон танасининг сезгирлиги юқорилиги сабаб биз тебранишлар қўламига ҳам ортиқча баҳо бериб юборамиз. Бинонинг чайқалганлиги тўғрисидаги саволга эса гарчи бу ҳолда тебраниш қулочи атиги 2-3 сантиметр бўлган бўлса-да, "уни уёқдан бу ёққа бир метрга олиб бориб келди", деб жавоб беришади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлигининг фавқулотда вазиятлар мониторинги ва башорат қилиш хизмати бошлиғи Бобомурод Қурбоновнинг айтишича, ер силкиниши пайтида дастлабки ва энг тўғри чора - саросимага тушмаслик. Зилзила даври бир неча сониядан 2-3 дақиқагача давом этиши мумкин. Бу вақтда хотиржамликни сақлаб, ақл билан иш кўриш ушбу вазиятдан талофатсиз чиқишга кўпроқ имконият яратади.

- Зилзила куннинг исталган вақтида рўй бериши мумкин. Шу боис, профилактик нуқтаи назардан ҳар доим, хонанинг асосий девор бурчаги, эшик-ромлари ўрни каби хавфсиз жойларини белгилаб қўйиш ҳамда бу вақтда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини билиш мақсадга мувофиқ, - дейди Бобомурод Қурбонов. - Тоғли ва тоғолди ҳудудларда яшайдиган аҳоли эса ер силкиниши оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган кўчки, сув тошқини, сел келиши хавфи мавжудлигини унутмасликлари, олдиндан профилактик чора-тадбирлар кўришлари жоиз.

Зилзила вақтида кўп қаватли уйларнинг лифт ёки зинапояларидан фойдаланиш ниҳоятда хавфли. Чунки бундай пайтда қурилмаларнинг қулаши кўп кузатилган. Бунда энг тўғри чора уй эшигини очиб, эшик ўрнига ёки хонанинг асосий девор бурчагига туришдир. Автоулов ҳайдовчилари зилзила вақтида юқори қаватли иморатлар, ёқилғи қуйиш шахобчалари, электр узатгичлари, тик қиялик, дарё ўзанининг ёни хавфли эканлигини ёдда сақлашлари лозим. Яна бир гап, маълумки, табиий шароит, биноларнинг лойиҳа чизмалари чуқур ўрганиб чиқилгандан сўнггина турар-жой масканлари қурилишига рухсат берилади. Аммо, таассуфки, фуқаролар янги уй-жойларга эга бўлиши биланоқ, ўз дидига мослаб уй тузилишини ўзгартиришга ҳаракат қиладилар. Баъзан кўп қаватли уйларда хоналар ўзгартирилиб, деворлар, бурчаклар олиб ташланади. Оқибатда мавжуд бино мустаҳкамлигини йўқотиб турли табиий офатлар, жумладан, зилзилага бардошсиз бўлиб қолади.

Геологларнинг айтишича, Ҳимолой тоғлари 150 миллион йил илгари Ҳиндистончалик катта бир ер парчасининг Антарктикадан ажралиб чиқиши ҳамда шимол томонга ўтиб, Осиё қитъасига келиб урилиши натижасида вужудга келган. Олимлар назарида, ер Жанубий Осиёдан Шимолий Осиё томон йилига икки сантиметр масофада силжиб бормоқда. Бу эса зилзилаларга сабаб бўлмоқда.

– Ер кўп жойларда ўзининг шаклини ўзгартириб, силжиш ҳоллари кузатилмоқда,- дейди АҚШ геологик тадқиқотлар ва зилзилалар ахборот маркази мутахассиси Харли Бенс журналистларга берган интервьюсида. – Бунга мисол сифатида Калифорниядаги 1,300 километрлик Сан Андреас ҳудудини олиш мумкин.

Калифорния университетининг физика ва муҳандислик бўйича профессори Жон Рундл компьютерда махсус программа ишлаб чиққан. Унинг айтишича, дастур ишга солингач, ўтмишдаги ер силжишларнинг қандай бўлганини билиш имконияти пайдо бўлади. Доктор Рундл сунъий йўлдош ёрдамида олинган ахборотдан Сан Андреасдаги минглаб йиллар давомидаги зилзила ҳаракатларининг қандай бўлганлигини аниқлашда фойдаланиб, модел тузган. Келажакда ана шу нусхага қараб зилзилаларни тўфонларга ўхшаб олдиндан айтиб бериш мумкин.

- Мақсадимиз - моделдан башорат қилишда фойдаланиш, кейин эса уни мукаммаллаштириб, зилзиланинг вужудга келиш жараёнини бир неча ой ёки бир-икки йил олдин кузатиш имкони бўлади,- дейди жаноб Рундл.

Одамзод неча минг йиллардан буён она табиатнинг бетизгин ҳодисасини аниқлашга ҳаракат қилиб келмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бир неча ўн йилдан сўнг жаҳоннинг учдан бир қисми сейсмик фаол нуқталарда яшаши мумкин. Бироқ ўша пайтгача махсус компьютер дастурлари Жанубий Осиёдаги сингари катта талофатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Альбанияда парламент сайловлари



Ушбу мамлакатда ўтказилган парламент сайловларида мамлакат бош вазири Сали Беришей раҳбарлигидаги "Альянс ўзгаришлар учун" демократик партияси етакчилик қилмоқда.

Янги парламентда демократлар 69 жойни эгаллашган. Уларнинг сайловдаги асосий рақиблари "Ўзгаришлар сари бирлик" мухолифат блоки раҳбари Тиран Эди Рамо тарафдорлари эса 55 ўринни банд этишган.

Хато тангалар

Буюк Британияда сўнгги 300 йил давомида биринчи маротаба тангаларни хато билан чиқаришган.

Россиянинг "Новости" ахборот агентлиги хабарига кўра, Буюк Британия Қироллиги саройида 200 мингта 20-пениялик тангалар чиқарилган санаси кўрсатилмаган ҳолда зарб этилган. Мазкур тангалар савдо сифатида эмас, балки одамлар эътиборини жалб этиш ва коллекционерлар қизиқишини қозониш мақсадида амалга оширилган.

Савдодан олиб ташланди

Грузияда жорий йил сўнгига қадар анальгин, баралгин ва таркибида метамизол бўлган бошқа дори воситалари савдодан олиб ташланади.

Бу ҳақда мамлакат дори воситалари агентлиги раҳбари Эльзу Гулиашвили маълум қилган, дея хабар беради "Новости" ахборот агентлиги. Гулиашвилининг айтишича, бу қарор Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра ҳамда Грузияда ўтказилган тадқиқотларга асосланиб қабул қилинган. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, мазкур препарат инсон организмига салбий таъсир кўрсатади».

Янги ўқув йилидан

Францияда мактаб ўқувчилари компьютер ўйинларини ўрганади.

Янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатдаги ўрта мактаблар ўқув дастурига компьютер ўйинлари тарихи ва тараққиётига бағишланган махсус курс киритиладиган бўлди. Амалга оширилиши кутилаётган янгилик ҳақида мамлакат таълим вазири маълум қилган. Янги фан 5-6-синфлар дарс жадвалига қўшилади. Дарсларда ўқувчилар мазкур турдаги ўйинларга танқидий ёндашишлари ва янги техника одамларни жалб этаётганлигининг сабабини ўрганишлари керак. Таълим соҳасидаги бундай ўзгаришлар Буюк Британияда ҳам жорий этилган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бразилияни

дунёга танитган байрам

Айни пайтда нафақат Жанубий Америкада, балки дунёда энг юқори суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлардан бири Бразилиядир. Ушбу давлат ерости ва ерусти бойликларига, рангбаранг табиат минтақаларига, қадимий тарих ва юксак маданиятга эга мамлакатдир. Дунёнинг "ўпкаси" ҳисобланган, яъни ер шарини энг кўп кислород билан таъминлаётган ўрмонлар ҳам, дунёдаги энг катта Амазонка дарёси ҳам Бразилия ҳудудида жойлашган. Бу мамлакатда ҳиндулар, европаликлар ва африкаликлар маданияти, анъаналари, урф-одатлари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган.

Ҳар бир давлатни ва халқни дунёга танитган ўзига хос жиҳатлари бор. Бразилия деганда кўз олдимизга энг аввало футбол ва карнавал келади. Дарҳақиқат, Бразилияда ўтказиладиган карнавал байрами ўзининг оммавийлиги, рангбаранг колорити, иштирокчилар ва томошабинларнинг ўзаро қоришиб кетиши, байрам жиҳозларининг ниҳоятда кўплиги ҳамда қўшиқ ва рақсларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради ва бутун дунёдан миллионлаб сайёҳларни ўзига жалб қилади.

Бразилияда карнавал илк марта 1840 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган бўлиб, у бразилияликлар тарихидан алоҳида ўрин эгаллаган. Бу биринчи бал-маскарадда асосан, ҳарбий оркестр, европача мусиқа ва рақслар ижро этилган. Кейинчалик эса карнавалда мамлакатда яшайдиган турли халқларнинг миллий урф-одатлари, мусиқаси, либослари уйғунлашиб кетган. Бундан ташқари байрам ниқоблари ва кийим-кечаклари алоҳида бир индустрияни ташкил этади.

Аслини олганда Бразилияда карнавал 1723-йилдаёқ илдиз ота бошлаган. Ўшанда Португалия ороллaридан келган муҳожирлар "Энтрудо" ("кириш" маъносини англатади) номли карнавал байрамини ўтказишган. Унда одамлар бир-бирларига сув ва шарбатлар сепишган. Бора-бора у миллий байрамга айланиб, йилдан-йилга ўзгача тус олади. Кейинчалик "Энтрудо" ўрнини шаҳар кўчаларида ўтказиладиган бал-маскарад эгаллайди. Ва ниҳоят 1840 йилга келиб карнавал тугал кўриниш олади. Лекин шуни унутмаслик керакки, ўтган бир ярим аср мобайнида карнавал маросимлари бойиб, мукаммаллашиб, сайқал топиб келмоқда.

Бразилияда 1852 йилда "Зеперейра" номли дўмбирачилар гуруҳи ташкил қилиниб, унга этикчи уста Жозе Ногейра де Парадес бошчилик қилган. Бу гуруҳ шаҳар кўчаларида дўмбира чалиб, маҳаллий аҳоли кайфиятини кўтарган ва карнавалга чорлаган. Кейинчалик фестивалга яна бир қанча мусиқа асбоблари киритилган. 1855 йилда "Йирик жамият" деб номланган илк карнавал клуби ташкил этилади. Клуб нафақат байрам чоғида, балки доимий равишда ўз фаолиятини давом эттиради. 1899 йилда пианиночи Шикинь Гонзаг (1847-1935) карнавал учун илк бор "О-абрэ-алас" ("Йўлни бўшатинг" маъносини англатади) номли махсус қўшиқни ёзади.

XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Рио-де-Жанейрода ўтказилган карнавал ҳам бразилияликлар қалбидан алоҳида ўрин олган. Айниқса, ана шу карнавалдан сўнг бугунги кунга қадар фаолият юритиб келаётган рақс мактабларига асос солинади. Ана шундай самба ("самба"— бразилияликларнинг карнавал мусиқаси) мактабларидан энг биринчиси 1928 йилда "Дейша-Фалар" номи билан Эстасио ҳудудида очилган. Мактаб тарбияланувчилари карнавал пайти ўтказиладиган катта намойишга ҳам мусиқа, ҳам рақслар билан иштирок этишади. Каранавал илк расмий намойиши 1935 йили "Ўн биринчи июнь" номли майдонда ўтказилган. Йилдан йилга шаҳар чирой очиб, гуркираб ривожланиши сабабли кейинчалик бу намойиш Президент Варгас проспектига кўчирилади. У ерга томошабинлар учун махсус трибуналар ҳам қуришган.

Бразилиядаги карнавал барча аҳоли учун бирдек байрам ҳисобланади. Ҳатто болалар қалбида ёшлигиданоқ ушбу байрамга нисбатан меҳр уйғотиб борилади. Карнавал намойиши аслида мамлакатнинг ҳамма шаҳарларида ўтказилади. Аммо, Рио-де-Жанейрода ўтказиладиган карнавал намойиши мамлакатдаги энг катта ва миллий халқ байрами ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу байрамни кўргани дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар келишади. Байрам расман уч кун давом этсада, кўчалардаги намойиш 40 кун аввал бошлаб юборилади.

Карнавалда театрлашган шоу ҳамда самба намойиши бўлиб ўтади. Унда мамлакатнинг 14 та машҳур самба мактаби иштирокчилари ўз маҳорат ва санъатларини намойиш қилиб, ўзаро беллашадилар. Ҳар бир мактаб 80 дақиқа оралиғида ўз рақсини, гимн ва либосини намойиш эта олиши лозим. Байрамдаги энг ҳаяжонли дақиқалар шаҳар мэри карнавалнинг рамзий калитини "карнавал қироли"га топшираётган чоғида бўлади. Карнавал қироли ана шу вақтда иштирокчи ва томошабинларга дунёдаги барча эзгу ва пок ниятларни тилаб, уларни байрам билан қутлайди.

2009 йилда ўтказилган карнавал ҳам бразилияликлар тарихида унутилмас из қолдирди. Сўнгги ўн олти йил мобайнида биринчиликни ололмаган "Салгейру" гуруҳи бу йил ғолиб деб топилди. Улар "Тамбор" номли театрлашган саҳна орқали бутун дунё халқларининг дўмбиралари тарихини намойиш этишди.

Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг миллий урф-одатлари, анъаналари ва байрамлари антиқа ва такрорланмас бўлади. Гарчи бразилияликларнинг ҳам байрамлари ниҳоятда кўп бўлса-да, уларни дунёга танитган айнан карнавал байрами ҳисобланади.

НИГОҲ

ФАОЛИЯТ

Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун

шиори "Агробанк" фаолиятида ўз тасдиғини топмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги давр ва шароит банклар фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни талаб этмоқда. Негаки, ҳозирги мураккаб шароитда уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш орқали жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш мумкинлиги эътироф этилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бугун мамлакатимиздаги аксарият банклар даврга мос ва муносиб фаолият юритмоқда. Қувонарлиси бу ҳолат ҳатто, хорижий мутахассислар томонидан ҳам эътироф қилинмоқда.

Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигинг иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, соҳада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 30 мартдаги "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан очиқ акциядорлик тижорат банки "Пахтабанк" негизида "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

"Агробанк" АТБ зиммасига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс тарзидаги банк хизматлари кўрсатиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш каби вазифалар юкланди. Бундан ташқари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш, банкнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, омонат ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб этиш, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, қўйилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш ҳамда халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштириш каби масалалар асосий вазифа қилиб белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, "Агробанк" ОАТБ қисқа вақт ичида кўп минг сонли мижозлари эътиборига сазовор бўлди. Энг муҳими ўз зиммасига юкланган асосий вазифаларни, яъни мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қишлоқ хўжалик корхоналари, жумладан пахта ва ғаллани қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган корхоналарни молиялаштириш механизмини такомиллаштириб боришдек ишларни ўз вақтида амалга оширмоқда. Мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларини техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш ва уни модернизация қилиш, дунё бозорида рақобатбардош замонавий инновация технологияларини жорий этиш, агросаноат мажмуи тармоқларини ривожлантириш асосида банк-молия тизими ролини ошириш орқали юксак натижаларга эришилмоқда.

Хусусан, 2008 йил мобайнида банк томонидан 25,4 млн. АҚШ доллари, бундан Халқаро Тикланиш банкидан ҳамда Осиё Тараққиёт банкидан "Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш" лойиҳаси бўйича 7 млн. АҚШ доллари ҳамда "Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш" лойиҳаси бўйича маблағлар ўзлаштирилгани шундан далолат беради.

Келинг, яхшиси рақамларга мурожаат қилайлик. 2008 йил давомида давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликларига банк филиаллари томонидан салкам 32 млрд. 688,4 млн. сўмлик, ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига эса 9 млрд. 289,6 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Маълумотларга назар ташлар эканмиз, банк томонидан ажратилган кредит маблағлари асосан ҳайдов ва чопиқ тракторлари, ғалла ўриш комбайнлари, турли хил тиркамалар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, чорва моллари, сув насослари харид қилишга йўналтирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, 2008 йилда юзлаб дон йиғиш комбайнлари ҳамда ҳайдов тракторлари, юзлаб чопиқ трактори ва культиваторлар учун кредитлар ажратилди. Жами 7 млрд. 700 млн. сўмдан кўпроқ маблағ фермерларга техника эҳтиёт қисмлари хариди учун йўналтирилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ўзининг 186 филиали, 720 та мини банки ҳамда 173 та махсус кассаларига эга йирик ва универсал банк сифатида фаолият юритмоқда. Айни дамда "Агробанк" 83. 000 га яқин акциядорлар ҳамда 215. 000 та юридик ва 1 миллионга яқин жисмоний шахс бўлган мижозга намунали замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Банкнинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамлиги нафақат республикада, балки халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилаётир. Жумладан, 2008 йилнинг 11 августида "Fitch Ratings" халқаро рейтинг компанияси банкнинг молиявий ҳолати бўйича "Барқарор" тоифадаги тўлиқ рейтинги хулосаси билан баҳолади. Айтиш мумкинки, ушбу эътироф туфайли хорижий инвестицияларни жалб этиш, янги халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш имкониятлари янада кенгайди.

Яна бир муҳим факт: "Агробанк" 1996 йилдан буён SWIFT жаҳон банклараро молиявий телекоммуникациялар ҳамжамияти аъзоси ҳисобланади. Шунингдек "Агробанк" Лондонда чоп этиладиган "The Banker" журнали томонидан ўтказиладиган конкурсда иштирок этиб, 2007-2008 йилларда Ўзбекистоннинг "Энг яхши банк"и деб эътироф этилди.

Яна маълумотларга қайтамиз: 2008 йил давомида иқтисодиёт тармоқларига жами ажратилган кредитлар миқдори 941,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса ўсиш суръати 2007 йилга нисбатан 118 фоизга ошганини кўрсатади.

Кредит қўйилмасининг 37 фоизини қисқа муддатли кредитлар, 63 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини юритиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йил давомида банк томонидан 197 млрд. сўм миқдорида инвестиция кредитлари ажратилди. Инвестицияларга йўналтирилган кредитлар қолдиғи 394 млрд. сўмни ташкил қилди.

Яна бир хурсанд қиладиган жиҳат: банк томонидан чет эл кредит линияларини жалб қилиш орқали қишлоқ хўжалик корхоналари, жумладан фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2008 йил мобайнида банк томонидан 25,4 млн. АҚШ доллари, бундан Халқаро Тикланиш банкидан ҳамда Осиё Тараққиёт банкидан "Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш" лойиҳаси бўйича 7 млн. АҚШ доллари ҳамда "Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш" лойиҳаси бўйича маблағлар ўзлаштирилгани шундан далолат беради.

"Агробанк"нинг иқтисодиётнинг реал сектори, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган фаолияти ҳам жадал суръатда ўсмоқда. Ушбу соҳа вакилларини молиялашда банк нафақат ўз маблағлари, балки халқаро молиявий институтлар, жумладан Германиянинг КФВ банки, Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ) ҳамда Германиянинг "Хипоферайнс Банк" кредит линияларини жалб қилган ҳолда молиялаштирилаётганлиги, улар билан ҳамкорлик қилинаётганлиги диққатга сазовордир. Шу ўринда айтиш жоизки, банк томонидан оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори йил сайин ўсиб бормоқда. Банкда кредит таваккалчилигини бошқариш мақсадида кредит портфели диверсификацияси доимий равишда олиб борилишини ҳам кузатиш мумкин.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа-қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир".

Президентимиз белгилаб берган ана шундай устувор вазифаларни тўғри англаган, ишонч ва масъулиятни чуқур ҳис қилган "Агробанк" барқарор фаолият юритиб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланишига, хусусан аграр соҳани юксалтириш йўлида аниқ мақсад билан дадил қадам ташламоқда. "Агробанк" келажакда бунданда самарали фаолият юритиши, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиши, жорий йилда нафақат Республика, балки халқаро эътирофга ҳам сазовор бўлишига шубҳа қилмаса бўлади.

tR

ҮГИТ

Меҳри покларни азиз тут эрта-кеч,
Меҳри йўқларга кўнгилни берма ҳеч.

* * *

Яхшилардин кўп азиз суннат қолур,
Фитнакордин зулм ила лаънат қолур.

Жалолиддин РУМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Жанубий Америкадаги ўрмонларнинг деярли ярми Аргентинада жойлашган.

* * *

1302 йили италиялик шифокор Бартоломео да Вариньяна Европада биринчи бўлиб суд экспертизаси учун мурдани ёриб кўрган.

* * *

Айбланувчининг қандай инсон эканини хуснихатига қараб аниқлаш илк бор 1595 йили Парижда амалга оширилган.

* * *

1891 йилда Буэнос-айреслик полициячи Хуан Вучетич биринчи марта жиноятчини бармоқ изларига қараб аниқлаган эди. Бу воқеа криминалистика соҳасида ҳақиқий инқилоб бўлган.

ТУРФА ОЛАМ

Дунё бўйлаб саёҳат

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қуёш батареясида ишлайдиган самолёт илк бор 2011 йилда ер шари бўйлаб парвоз этади.

"Solar Impulse" номли лойиҳанинг бош ҳамкори Хитойдаги "Deutsche Bank"и бўлиб, унинг вице-президентининг айтишича, ушбу кутилаётган саёҳат 30 кун мобайнида давом этаркан. Самолётнинг оғирлиги 1,6 минг кг., қанотининг узунлиги 63,4 метр бўлиб, унинг усти 12 мингта фотоэлементлар билан қопланган. Лойиҳа муаллифларининг фикрига қараганда, ушбу қуёш батареясида ишлайдиган самолёт 70 км/соат тезлигига эга.

Қўзиқоринининг янги тури



Африка ороллари биридан олимлар қўзиқоринининг янги турини топишган.

"Phallus drewesii" номини олган қўзиқоринининг янги тури бадбўй хидли қўзиқоринлар оиласига кираркан. Ер юзида Phallus қўзиқорининнинг атиги 28 тури бор. Бироқ, бу янги тур бошқаларидан жуда кичкиналиги ва жуда тез ўсиши билан фарқ қилади. У бор йўғи 4 соат ичида 5 см.гача бўй чўза олади.

Қадимги кўл



Халқаро астрономлар гуруҳи HiRISE камераси ёрдамида Марсда қадимги кўл изини аниқлашган.

Олимлар бу қурилма ёрдамида Марсдаги қирғоқ чизиғининг изларини аниқлаб, унинг кўринишини тахминан тузиб чиқишган. Қуриган кўлнинг майдони 207 кв.км.ни ташкил этади. Астрономларнинг фикрича, ушбу кўл тахминан 3,4 млрд. йил аввал шаклланган. Агар бу кўрсаткич ўз тасдиғини топса, олимлар Марсда сувнинг йўқолган вақтини қайта кўриб чиқишларига тўғри келади. Негаки, шу пайтга қадар Марс 3,7 млрд. йил аввал совуқ ва қуруқ ҳолатга келган, дейилган эди.

Хазинанинг ўзгинаси

Хитойнинг Шеньси ҳудудидаги қурилиш ишлари чоғида оғирлиги 2 тоннадан ортиқ бўлган ўрта аср тангалари топилган.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, тангалар VII-XIV асрларга тегишли бўлиб, у мактаб ҳовлисининг болалар майдончасидан топилган. Тангалар ер остидаги бир метр чуқурликка эни ва бўйи бир ярим метр келадиган қутининг ичига жойланган. Айтишларича, аввалари бу майдон ибодатхона маркази ҳисобланган. Олимлар, ушбу тангалар ана ўша ибодатхонанинг хазинаси ҳам бўлиши мумкин, деб тахмин қилишмоқда.

Наргиза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Оромгоҳда қўғирчоқлар

Қашқадарё вилоят театри болаларни намунали дам олишларини таъминлаш мақсадида Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларидаги сўлим тоғ қўйнида жойлашган "Шўртан қалдирғочлари" ва Шаҳрисабздаги "Лочин" болалар дам олиш оромгоҳида бўлдилар. Театр жамоаси Муҳсин Ҳалил асари асосида саҳналаштирилган "Уч опасингил" эртагини намойиш этди. Болалар асар орқали ёмонлик устидан яхшилик доимо ғалаба қилиши, ёвузликнинг умри қисқа эканлиги, меҳр-оқибат, бир-бирига бўлган ишонч албатта яхши оқибатларга олиб келишини яна бир бор ҳис қилдилар. Спектакль намойишидан сўнг қўғирчоқ театри қошидаги "Дийдор" гуруҳи болажонларга ўз концерт дастурини намойиш этди.

"Ниҳол-2009"

Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди

Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқали театрида "Ниҳол-2009" мукофотининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди. Танловни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмитаси раиси Кенесбай Реймов, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари Ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси Шавкат Ражапов очиб, иштирокчиларга муваффақият тиладилар.

Бу йилги танловда республиканинг барча ҳудудларидан иштирок этган 565 нафар истеъдодли ёшлар орасидан 72 нафари Қорақалпоғистон Республикаси босқичига етиб келди. Эстрада йўналишида Гайрат Бекчанов, Сарвиназ Мамбетназарова, опера ижрочилиги бўйича Орынбой Хакимбаев, Арсланбек Аскаров, рақс санъати йўналишида Гулбар Абилова, Гулназ Жайманова, мумтоз қўшиқчиликдан Данияр Алламуратов, Дилрабо Сотимбаева, мусиқа йўналишида Жулдыз Заретдинова ғолиб деб топилиб, республика босқичига йўлланма олди.

Мухтасархон КАРИМОВА, Ҳусан БУРҲОНОВ

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-623, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Акобир САЙИДОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00.

1 2 3 4 5 6 7 8 9